



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
17-dekabr  
chorshanba  
№ 48 (1474)


Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ЮЗМА-ЮЗ

# ЎҚИГАН ИНСОН ҚАЛБИДА ЁМОНЛИККА ЎРИН БЎЛМАЙДИ

Самарқанд вилояти ҳоқими Адиз Музафарович БОБОЕВ билан суҳбат

Самарқанд — бутун дунёни азал-азалдан ўзига мафтун этиб келган, ўтмиши неча минг йилларга бориб тақаладиган, бағрида не-не улуг авлиёларни, буюк саркардаларни, олиму фузалоларни етиштирган афсоналар гушасидир. Нафақат мамлакатимиз маънавият ва маърифат бешикларидан ҳисобланган, балки дунё тамаддуни ўчоқларидан бири ҳисобланган бу юрт ҳамиша ўз салоҳияти, йирик иқтисодий ва маданий имкониятлари билан жуда катта ўринга, салоҳиятга эгадир. Бугунги Самарқанд шаҳри ва вилояти эса ҳақли равишда кундан-кунга янада яшариб, янгиланиб бормоқда. Бунда ҳеч қандай муболага йўқ. Шу билан биргаликда бугунги Самарқанд кейинги йилларда дунёнинг машҳур сибсатчиларини ўзига жамлайдиган, учраштирадиган, жаҳон аҳлини лол айлайдиган марказга айланиб улгурди. Бу ерда халқаро анжуманлар, форумлар, дунё етакчи давлатларининг учрашуви ва мулоқотларини ўтказиши билан бирга, қатор янги лойиҳалар ишга туширилиб, ҳудуднинг қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Аҳоли учун эса қўшимча қулайликлар яратилди. 2025 йил ҳам яқунлиниб, янги 2026 йил ҳам тобора яқинлашяпти. Ана шу шуқуҳли кунларда муҳбиримиз Самарқанд вилояти ҳоқими билан учрашиб, у кишига бир неча саволлар билан мувожаат қилди. Қуйида ушбу суҳбат билан танишишингиз мумкин.



— Адиз Музафарович, аввало сизни вилоят ҳоқими лавозимига тайинланганингиз билан табриклаймиз. Вилоят фаоллари, депутатлар иштирокида яқинда бўлиб ўтган сессияда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, сизга жуда катта ишонч билдирдилар. Давлатимиз раҳбари Самарқандни энг намунали ҳудудга айлантириш ғоясини илгари сурди. Юксак маънавиятли вилоят халқи билан бу ишонччи оқлаш, вилоят иқтисодиётини, маданиятини янада юксалтиришга албатта барча асослар етарли бўлса керак?

— Раҳмат. Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари вилоят кенгаши фаоллари билан кечган сессиядаги нутқда Самарқанд ҳар жабҳада мамлакатимизга ибрат, намуна бўлиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. У киши олдимишга биринчи навбатда ижро интизомида тажриба мактаби яратиш вазифасини қўйдилар. Бу беҳиз эмас, чунки самарқандликлар азалдан ҳам кўпгина соҳаларда ташаббускор ва илгор бўлишган. Бинобарин, Самарқанд, айниқса, кейинги йилларда том маънода мамлакатнинг иккинчи пойтахтига айланиб борапти. Яхши биласизки, Самарқанднинг ҳар бир гарди, бир сиким тупроғи, ҳар гивҳида беқиёс сир-синоатлар яширинган. Унинг тарихи ҳақида минглаб асарлар, ашъорлар битилгани беҳиз эмас. Узоқ ўтмишда ўз бағрига минг-минг-

лаб тарихчиларни, элчиларни оҳанрабодек ўзига торган бу ўлка маълум вақтларда ўзини жаҳон миқёсида тўла-тўқис намоён эта олмаган эди. Гарчи бу гўша жаҳонга иккинчи Ренессанс машъаласини ёққан бўлса-да, гарчи буюк Темурбек барпо этган улуг салтанат маркази Самарқанд эканлигини олам аҳли яхши билса-да, кейинги йиллардагина Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Самарқанд яна дунёни ўзига бирлаштирадиган, жаҳон сибсатчилари нигоҳини ўзига қаратган кентга айланди. Айтиш мумкин бўлса, Ўртбошимиз ташаббуси билан Самарқанд жаҳоннинг маънавий марказига айланди. Самарқанд — илоҳий шаҳар. Бу ҳикматли заминда Соҳибқирон Амир Темур, ҳадис илмининг сўлтони Имом Бухорий, фалақийот илмининг улуг устози Мирзо Улугбек, имом Мотуридидий, Маҳдуми Аъзам, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Шайбонийхон... ва бошқа кўпдан-кўп улуг зотларнинг хоки ётибди. Биз ана шундай улугларнинг авлодимиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак тўғри бўлади. Лекин биринчи масала уларнинг маънавий меросини чуқур ўрганиш, фарзандларимиз, набираларимиз қалбига ана шу улугларнинг меросини синдириш барчасидан муҳимроқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган изчил сибсат туфайли юртимиз, хусусан, Самарқанд улкан халқаро анжуманлар, учрашувлар марказига айланди. Самарқандда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкило-

тининг йиғилишлари, Туркий тилли давлатлар ташкилотининг анжумани ёки турли чет эл давлатларининг раҳбарлари билан бўладиган кенг қамровли учрашувлар... Булар фахр ва ғурур, катта масъулият уйғотади. Айтайлик, шу йилнинг 30 октябрь-13 ноябрь кунлари ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда бўлиб ўтди. Лекин бу нуфузли халқаро ташкилот анжуманлари кейинги 40 йил ичида бирор марта чет мамлакатда бўлиб ўлмаган, фақатгина Парижда ўтказилган. Бу эътирофлар Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган янгиланишлар, очкилик ва халқароликнинг натижаси туфайлигина десак хато бўлмайди.

Энди эса вилоятда сўнгги пайтларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва уларнинг ижроси ҳақида муҳтасар сўз юритсам. Келинг, шу ўринда айрим рақамларга мувожаат қилайлик. Масалан, вилоятда тегишли дастурларнинг самарали амалга оширилиши туфайли 2025 йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 51,0 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7 фоизга ўсди. Бунда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 30 трлн сўм (7,1 фоиз), хизматлар ҳажми 38,5 трлн сўм (12,4 фоиз), қурилиш-пудрат ишлари 10 трлн сўм (14,2 фоиз) ва қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 21,1 трлн сўмга (4,6 фоиз) кўпайди. Йил бошидан буён 340 та янги саноат корхонаси ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 9 156 тага етди. Бу корхоналар томонидан қарийб 30 трлн сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 385 млн долларлик экспорт амалга оширилди. Жорий йилда вилоятнинг экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш белгиланиб, 10 ойда 848,9 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 36 фоизга ошди. Вилоятда умумий бюджет даромадлари 5,4 триллион сўмга (107,0 фоиз), маҳаллий бюджет даромадлари эса 5,2 триллион сўмга (110,0 фоиз) ёки 474,9 миллиард сўмга орттириб бажарилди. Албатта, бу рақамлар. Лекин вилоят иқтисодиёти ривожланиши, рўёбга чиқарилаётган ишлар самараси ана шу рақамларда ҳам кўринади.

3-6

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



# ТАХРИРИЯТГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Пойтахтимиздаги “Ёшлар ижод саройи”да “Саодат” журнали ташкил топганининг 100 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Маҳкамova очди ва тахририятга Президент совғаси — “BYD-Chazor” автомобиллини тантанали равишда топширди. Шунингдек, бир гуруҳ хотин-қизлар “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини билан мукофотланди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в. б. Холмурод Салимов ҳам сўзга чиқиб, тахририят жамоасини ушбу қўтулуг юбилей сана билан самимий табриклади. Журнал жамоасига Уюшма совғасини, мазкур нашр бош муҳаррири Мунаввархон Усмоновага Уюшма ташаккурномасини топширди.

Маълумки, “Саодат” журналининг илк сони 1925 йил 1 декабрда “Янги йўл” номи билан нашр этилган.

2-6

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ



# СТРАТЕГИК МАҚСАДИМИЗНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2024-2025 ўқув йилида мамлакат олий таълим тизимида ўзининг етакчи ўрнини янада мустаҳкамлади. Хорижий тиллар, филология, таржимонлик ва замонавий таълим технологияларига ихтисослашган университетда мазкур давр мобайнида таълим сифати, илмий тадқиқотлар, профессор-ўқитувчилар салоҳияти ҳамда халқаро ҳамкорлик бўйича сезиларли ютуқларга эришилди.

6-6

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

# ХИЗМАТ ҚИЛГИН ШУ ХАЛҚ УЧУН!..

“Hurriyat” газетаси ижодкорлари Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиби билан учрашуви ўтказди



Икки нафар капитан ҳарбий унвонига эга зобит айвон олдиди майдонда саф тортиб турган ички ишлар ходимлари даврасига келиб қўшилди. Шу дақиқадан бошлаб суҳбат мавзуси ўз-ўзидан ҳудудда тинчлик-осойишталик ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мавзусига кўчди. Негадир уларнинг суҳбатлари доимо фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга бориб тақалаверади.

Хуллас қалом, ким нима ҳақида гап очмасин: мусибатли ёки шодлантирадиган воқеалар тўғрисида — барча гап хизмат вазифасини қай йўсинда удалашдан бошланиб, шу мавзу асосида поёнига етади.

2-6

## АЧЧИҚТОШ



# ЯНА ГАЗЕТА ОБУНАСИ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА

Хоразмда айрим раҳбарлар матбуот нашрларини ўқимаи қўйишибди...

Обуна мавсуми ҳам ниҳоясига етиб қолди. Обуна баҳонасида кўпгина корхона ва ташкилотларга бош уриб чиқдик. Ахир бугун тарғибот-ташвиқотсиз матбуот нашрларига камдан-кам одам обуна бўлиши мумкин.

“Мажбурий обунани йўқотамиз деб, ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик” деганлари ҳамон ёдимизда. Ушанда ахборот технологияси ривожланган мамлакатларда босма нашрлар миллионлаб нусхаларда чоп этилиши мисол сифатида айтилгани ҳам ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир неча йил муқаддам ўқитувчилар билан мулоқотлари чоғида

4-6

# ХИЗМАТ ҚИЛГИН ШУ ХАЛҚ УЧУН!..

“Hurriyat” gazetasi ijodkorlari Sirdarё viloyati Ichki ishlar boшqarmasi шахсий таркиби билан учрашув ўтказди

1-6

Дарҳақиқат, кимнидир ўз хизмат вазифасини адо этаётганда кўрсатган жасорати, мардлиги, хизматдаги елиб-югуришлар, жасурлик, ғам, қувонч, орзу-армонлар ҳақида оғизларидан бол томиб гапирадилар. Ҳар доим ҳам элимиз, юртимиз тинч-осойишта бўлсин деб яхши умидлар билдирадилар. Негаки, ҳаётга, адо этаётган вазифасига бўлган ишонч, меҳру муҳаббатлари бора-бора қатъий ва мустаҳкам умидларга айланади. Лекин учар ҳадеганда қалбларини тўлдирган фахр-ифтихор ҳисларини сездирмасликка ҳаракат қиладилар.

талигини таъминлашдек шарафли бурчни бажараётганлар ҳар қанча эҳтиромга, эъзозу оққишга муносибдир. Маълумки, юртимизда инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига энг олий қадрият сифатида қаралади. Шу маънода буғун ички ишлар тизимини фаолият самарадорлигини ошириш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда ходимларнинг масъулиятини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, сўнгги тўққизда

Ички ишлар вазирлиги ва унинг барча тизимлари фаолияти, ютуқ ва муаммолари янада кенгрок ёритиб борилади. Газета ижодкорларининг Сирдарё вилояти Ички ишлар бош бошқармасида ўтказган учрашуви ҳам шу ҳамкорлик мевасидир. Биласиз, илм, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот ходимлари билан жонли мулоқотлар жабҳада фаолият олиб бораётган ходимлар қалбига унутилмас таассуротлар қолдириб, яъни янгидан-янги зафарларга илҳомлантиради. Назаримда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1996 йилда асос солинган, мамлакатда илк бор эркин минбар сифатида мустақил нашр мақомида фаолиятини бошлаган “Hurriyat” gazetasi ижодкорлари билан Сирдарё вилояти Ички ишлар бош бошқармаси шахсий таркибининг учрашуви, мулоқоти журналист аҳлини ички идорасидагилар билан ҳамфикр, ҳамқадам бўлиб ижод қилишга чорлайди. Қолаверса, шундай хайрли, дилкаш тадбирларнинг ўтказилиши маънавиятимиз юксалишига хизмат қилади. Жалолиддин Румий “Ҳақнинг асари қудратларини басират кўзи ила, назари ибрати ила томоша қилинса, кўп ҳикматлар кўрурлар”, деб бежизга айтмаган экан, деган фикр кўнглимизни худди чақмоқдек ёритди. Осойишталик посбонларининг кўзидаги табассум, мамнуният ифодаси учрашув давомида яққол сезилиб турди.

Аёнки, бугунги кунда жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда “Hurriyat” gazetasi ижодкорлари ҳаётга чуқурроқ кириб бориб, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг туб моҳияти ва аҳамиятини тўлақонли, рўйирост очиб беришга, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқишга, айни вақтда жойларда, энг қуйи бўғинда халқнинг қувонч ва ташвишларига малҳам бўлишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу аснода рўзнома бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, экология, атроф-муҳит, табиат мавзулари билан бир қаторда, сийсат, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини ҳам кенг миқёсда ёритиб келяпти.

...Она Ватан, она замин, она қишлоқ... Биз учун муқаддас ҳисобланган барча гўшалар онага қиёсланади, онага менгашлади. Она меҳридек жонбахш туйғулларнинг ягона номи мавзуд: мўътабар, жондек азиз. Дарҳақиқат, киндик қонинг тўкилган замин меҳри, ҳар нигоҳидан ўзгача, сенга фақат соғинч улашадиган яқинлар тафти... Бундай дамларда хайратдан нафас оласан, беғуборликдан лаззатланасан. Назаримда, бу ноёб туйғудан ички ишлар идораларида ўз хизмат бурчинини ўтаётган ходимлар ҳам бенаҳасил эмасди.

Битиклар якунида, аввало, ички ишлар ходимларини Ватан олдидаги муқаддас қасамёдларига содиқ қолиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўз зиммаларидаги ғоят муҳим вазифаларни юксак масъулият билан адо этишларига тилақдошимиз. Зеро, истеъдодли шоира Хосият Бобомуродова Ватанимизни мадҳ этганидек:

**Ватан деб Ватандон кетганлар айтсин,  
Соғинч ёқасидан тутганлар айтсин,  
Пушаймонлик захрин ютганлар айтсин,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.**

**Менинг Темур елган, Соҳибқироним,  
Асрларни энгиб бўлган бўроним,  
Қонидан қушшан бир қатра қоним,  
Ватан ягонадир, Ватан биттадир.**

Улугбек ЖУМАЕВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.

# ТАҲРИРИЯТГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

1-6

Кейинчалик 1936 йилда “Ёрқин турмуш”, шу йилнинг ўзида “Ёрқин ҳаёт” номи остида чоп этилди. Унда эълон қилинган материаллар тобора фаоллашган Ўзбекистон аёллари ҳаётининг ёрқин кўзгусига айланиб борди. 1941 йилда журнал нашри тўхтаб қолиб, 1950 йилда “Ўзбекистон хотин-қизлари” номи билан яна ўқувчиларга тақдим этила бошланган. 1966 йилдан эса опа-сингилларимизнинг интилишлари ва қалб истакларига ҳамроҳанг тарзда нашр “Саодат” деб номланди. Халқимиз, миллионлаб ўзбек хотин-қизлари ҳам яхши билишадиги, журналга узоқ йиллар Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфияноним раҳбарлик қилган.

Тадбир доирасида уюшма раҳбари Х.Салимов “Саодат” журнали мусаҳҳиҳи Махсум Иргашева ҳамда саҳифаловчи-дизайнер Хосиятхон Ҳасимовга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолик гувоҳномалари ва кўкрак нишонларини топширди.

# ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ИЖОДИЙ САЁҲАТ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ташаббуси билан ёш журналистлар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш ҳамда амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ижодий саёҳат ташкил этилди.

Унда Бухоро давлат университети филология факультетининг журналистика йўналиши талабалари иштирок этди. Талабалар Бухоронинг қадимий турар-жой обидалари, XVII асрга оид Тўрақулбой ҳовлиси ҳамда XIX асрда барпо этилган Қозихона билан танишдилар. Саёҳат доирасида уларга махсус ижодий вазифа берилди: “Бир уй — беш хил ҳикоя” тамойили асосида мини-очерк, аудио ҳикоя, фоторепортаж, видеорепортаж ва “Instagram Reels” форматларида медиа маҳсулот тайёрлаш топширилди. — Ушбу ижодий саёҳат олийгоҳда олаётган назарий билимларимизни амалиётда қўллашимиз учун айна мурдао бўлди. Эшитган ва кўрганларимиз берилган вазифаларни мукамал бажаришимизга катта ёрдам беради, — дейди журналистика йўналиши талабаси М.Боймуродова.



# “РЕНЕССАНС” ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Renessans” кино уйда Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси томонидан ташкил этилган “Ренессанс” миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмасига аъзо телерадиоканаллар ходимлари, кенг журналистлар жамоатчилиги, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. “Ренессанс” миллий мукофоти тақдирлаш маросимини Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси раиси, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Мавлуда Хўжаевалар очиб берди.

Жорий йилнинг 27 октябрь куни старт берилган “Ренессанс” миллий мукофоти учун ўн учта номинацияда теле- ва радиоканаллар ўз лойиҳалари билан рақобат қилишди. Ўзбекистон миллий медиа бирлашмасига миллий мукофот учун юздан ортиқ номзодлар аризалари қабул қилинган бўлиб, ғолиблар икки босқичли баҳолаш тизими орқали аниқланди. Биринчи босқичда номзодлар халқимиз эътирофи ва эътирофидида профессионал экспертлар кенгаши томонидан саралаб берилган бўлса, иккинчи босқичда юқори балларни тўплаган теле- ва радиоканаллар ҳамда медиа лойиҳалар халқ овозига қўйилди. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар “Ренессанс” миллий мукофоти тақдирлаш маросимида эълон қилинди. Шунингдек, миллий мукофот доирасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ваколатхоналари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқоридаги хорижий муассасалар билан самарали фаолият олиб борган теле ва радиоканаллар ҳамда медиа лойиҳалар махсус номинациялар доирасида тақдирланди.

Мукофотланганлар орасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фаргона вилояти бўлими раиси ҳамда Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигининг Фарғонадаги мухбири Муҳаммадхон Обидов “Журналистика афсонаси” номинацияси ғолиби бўлди.

“Ренессанс” миллий мукофоти билан тақдирлаш маросимида танқили санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар янгради.



Дарҳақиқат, Сирдарё вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ва унинг жойларда фаолият юритаётган ходимлари эл-улусни хавотир булутлари қопламаслиги учун тунни тонга, тонгни тунга улаб, чин кўнгилдан хизмат қилмоқдалар. Таъбир жоиз бўлса, ички ишлар ходимлари салобатли ва маҳобатли тоғлардек мустаҳкам бўлиб турибдилар. “Ийигит бўлсанг арслондек тўғилган, Хизмат қилгин ҳамиша шу халқ учун” деган ўтли сатрларни қорақалпоқ шoirи Бердақ Қарғабой ўғли шундай ўторак йигитларга бағишлаб ёзиб кетгандек гўё. Сал аввалроқ мажозий маънода ички ишлар ходимларини мустаҳкам қалъа дедикми, демак, ҳақиқатан ҳам бу сўзда зигирча бўлса-да, муболага йўқ.

Мард ва жасур ийигит, қизлар айна дамда ички ишлар идораларида хизмат қилишни ўзлари учун шараф деб билмоқдалар. Шунинг учун уларнинг сафи борган сари салоҳиятли ёшлар ҳисобига тўлдириб борилаётган. Негаки, тинчлик-осойишталик, хотир-жамлик ҳукм сурган жойда эзгу ишлар ҳамиша бардавомдир. Одамлар бу ҳаётий ҳақиқатни истиқлол йилларида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча жабҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, олижаноблик ва меҳр-оқибат каби инсоний туйғуллар ҳар қачонгидан юксак чўққиларга кўтарилиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги беқиёс саъй-ҳаракатлар мисолида янада теранроқ англаб етмоқда. Узини Ватанин химоя қилишга ва она юрт осойишталигига бағишлаш, мардлик ва жасорат кўрсатиш чинакам инсонларга хос фазилатдир. Шу ўринда юрт тинчлигига эл осойишта

мобайнида давлат раҳбарининг бевосита раҳнамолигида ички ишлар органлари халқ манфаатларига хизмат қилувчи халқчил тизимга айлантирилди. Ҳозирги кунда шахсий таркибининг асосий қисми бевосита худудларда, маҳаллаларнинг бевосита ўзида хизмат ўтаётганлигининг ўзбек тизимининг оддий одамларга яқинлашаётганини кўрсатади.

Шамол дарахтни яқинлаганда, ўтган фасллар дарахтнинг лоп этиб ёдига тушар экан. Баъзида ана шу хотира шамолни бизни ҳам силкитади.

Оддий одамларни менсимай, уларга қўпол, терс муносабатда бўлиш, хизмат ваколатидан ноқонуний фойдаланиш, зарур юмуш билан кўчага чиққан, ишга ошиқаётганларни, ҳе йўқ, бе йўқ, автобусга тикиб, зуғум, босим ўтказиб, уларни овозро-ю сарсон этиш ҳолатларини яхши эслаймиз. У кунларни эсламай бўладими? Тўғри, бунда ҳозирги ходимларнинг, агар айримларнинг бўлмаса, айби йўқ. Нега деганда, бугунги ходимлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Сабаби уларнинг интеллектуал ва билим даражаси юқори, маънавий-ахлоқий сифатлари баланддир.

Ёдда тутишимиз лозимки, биз тарихда кўп минг йилликларга бориб тақаладиган, фарзандлари дунё тамаддунини яратган юрт вакилларимиз. Шундай экан, жаҳонда бизнинг ўз ўрнимиз, ўз овозимиз бор. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз”.

Жорий йилнинг октябрь ойида “Hurriyat” gazetasi Ички ишлар вазирлиги билан ўзаро ижодий ҳамкорлик меморандумини имзолаган эди. Шунга кўра, газета ва унинг интернет саҳифаларида бундан буён

## МУЛОҲАЗА

# ГУБОРЛАРСИЗ ҲАЁТ ОРЗУСИ

Коррупция ҳалол ҳаётни, тараққиётни тўсувчи иллат эканлиги маълум. Лекин айрим кимсалар учун коррупция ва таъмағирлик “яшаш қонунини”га айланиб кетган. Хизмат хонасида савлат тўкиб ўтирган амалдор битта имзо билан ҳожатингизни чиқариши мумкин, лекин шу имзо учун “йўталишингизни” кутади. “Йўталмасангиз”, “яна ҳужжат олиб келинг” деб қуруқ сарсон-саргардон қилаверади. Умуман, коррупция авж олган жойда ҳақиқат, адолат мезонлари иш бермайди. Одамларнинг адолатга ишончи ўлади.



Биз ана шу иллатни бартараф этишимиз, аҳоли учун қўлай ва шаффоф шaroит яратишимиз керак. Давлатимиз раҳбарининг бугунги кундаги ташаббуси шу эзгу мақсадни кўзлайди. Уни амалга ошириш учун нима қилиш керак? Ҳамма, бутун жамият шу мақсадни кўнглига тутиб, бирлашган ҳолда ҳаракат қилиши зарур. Айтилик, иқтисодиётимизда хориждан келадиган сармоя учун қандай омиллар талаб этилади, деган савол берилса, шу мамлакатда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор, қонунлар устувор дейиш билан бирга бу ўлка бюрократиядан, коррупциядан холи десак, инвесторларда ишонч мустаҳкам бўлади.

лотларининг вакант лавозимларини малакали ва энг муносиб номзодлар билан тўлдириб мақсадида очик мустақил танловлар эълон қилиб борилади. Танловда иштирок этиш истидада бўлган номзодлар бир вақтинчи ўзида давлат ташкилотининг уағтича бўш иш ўрни учун ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Албатта, мутахассис сифатида иш бошлаш учун муайян талаблар қўйилади. Бу жараён инсон омилли аралашувисиз кечади, белгиланган мезонлар мутаносиблиги таъминланади. Бу тизим ҳозиргидек “баъзида бундоқ, баъзида ундоқ” эмас, чинакам ҳалоплиқ, ҳолислик мезонига айлиниши шарт. Бугун кадр танлашда турли уйинлар, таниш-билишчиликлар ҳам бўлаётгани сир эмас-ку! Буни яширишга ҳожат йўқ. Ҳамма биллиб, кўриб турибди.

Фараз қилайлик, сиз олий ўқув юртини битирдингиз. Ишга жойлашиш учун бевосита бирон ташкилотга эмас, Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик порталига мурожаат қиласиз. Ушбу порталда давлат органлари ва ташки-

лаш, ҳалол ва эркин турмуш тарзидан иборат бўлиш демакдир. Бюрократия биз нафратланаётган коррупция учун замин ҳисобланади. Кимнингдир насабидан олиб олиш, ўзагалар ҳисобидан даромадга эга бўлиш учун битиб турган иш битмайди, арзимас сабаблар билан тўсиқдан ўтмайди. Кунни кеча бўлиб ўтган бир тадбир коррупцияга йўл қўймаслик, бундай нопок иллатларни бартараф этишга бағишланди. Тадбир сўнггида у сунъий интеллект афзаллигини намоён этадиган анжуманга улашиб кетди. Бу тасоудий эмас. Инсон ақл-заковати меваси саналмиш сунъий интеллект ҳар бир юмушнинг рисоладагидек бажаради. СИ таниш-билишчиликни, ошна-оғайнигарчиликни, зимдан иш битиришни тан олмайди. Бир мисол. Бугунги кунда ҳаётимизда кенг татбиқ этила бошлаган кўёш панеллари ҳақида гапирайлик. Бу ўйлаб кўрилса, ажойиб имконият.

Масалан, Қўшработ туманининг чекка қишлоғида ашаётган дўстимиз хонадонига қўёш батареяси ўрнатишга аҳд қилибди. Бунинг учун бюжетма бергандан сўнг тегишли мутасаддилар 10 киловаттлик қўёш батареяси ўрнатибди. Бу 35 миллион сўмга тушибди. Ҳозир шу хонадонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини давлат сотиб оляпти, ҳар ой хонадон соҳибининг ҳисоб рақамига 1-1,2 миллион сўмдан маблағ тушиб турибди экан. Айни пайтда электр энергия учун ҳақ тўлашдан овоз этилган, мол-мулк ва ер солиғи тўланмайди. Ҳисоб-китобга кўра 3 йил ичида дастлабки харажат қопланади. Бундай қўлайликни кўрган кўни-қўшниллар ҳам янгиликни ўзларида жорий этишга қизиқиб қолишди. Демократизм, даромад олиш учун албатта кимнидир чўв тушириш, алдаш шарт эмас, балки, бугунги имкониятлардан оқилона фойдаланишнинг ўзи кифоя экан.

Янги Ўзбекистон бюрократияни, коррупцияни бартараф этиш, ҳаётимизга замонавий технологияларни жорий қилиш ҳисобига тобора жозибador манзара яратмоқда. Буни ҳар бир юртдошимиз — кесаю ёш юракдан аянглаб етиши керак. Зеро, Ватанимиз 2030 йилгача дунёдаги жадал ривожланаётган давлатлар сафидан жой олиши ният қилинган. Насиб бўлса, бу орзумиз албатта амалга ошади, янги Ўзбекистонимиз бутун дунё ахли ҳар жиҳатдан юксак, поклик ва ҳалоллик, қонун устувор мамлакат сифатида кашф этажак.

Шухрат ЖАББОРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# ОЛЛАБЕРГАН ПЎЛАТОВНИ ЭСЛАБ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Хонқа тумани ҳокимлиги, туман ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Оллаберган Пўлатов ҳаёти, ижодий фаолиятига бағишланадиган хотира кечаси ўтказилди.

Туманининг “Пахтагул” маҳалласида қад ростлаган маданият саройида “Устоз ёди — дилларда” деб номланган хотира тадбирида таниқли шoir, ёзувчи ва драматург, “Дўстлик” ордени соҳиби Қуронбой Мухаммадризо, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раиси Дилбар Бекчанова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари Гавҳаржон Ибодуллоева, “Хоразм маърифати” газетаси муҳаррири Фарҳод Машарипов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Кечада туман умумтаълим мактаби ўқувчилари ва мактабгача таълим даргоҳининг тарбияланувчилари томонидан марҳум ижодкор журналист О.Пўлатов шеърларидан намуналар ўқилди, асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

О.Пўлатов 1960 йил январидан то 1974 йил январигача Янгиарик тумани “Машъал” газетаси таҳририятида масъул котиб, кейинчалик муҳаррир ўринбосари, 1974-1996 йилларда Хонқа тумани “Шонли меҳнат” (ҳозирги “Хонқа ҳаёти”) газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. Унинг қаламига мансуб “Бир кўза олтин”, “Чўлда булбул сайради”, “Ажабтовур болалар”, “Жалолиддиннинг шамшири”, “Маърифат чаманзори”, “Юлдузлар жамоли”, “Она қишлоқ соғинчи”, “Қанотли дўстлар”, “Тафаккур офтоби” каби йигирмадан ортиқ китоблари, “Ғунчалар” номи остида нашр қилинган сайланма асарлар тўплами Оллаберган Пўлатовни ўзбек болалар адабиётининг ўз сўзи ва овозига эга бўлган таниқли вакили, устоз ижодкор сифатида намоён этди. Устоз-ижодкор 2023 йили 26 мартда 88 ёшида вафот этган. Аммо миллий журналистикамиз ва адабиётимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган Оллаберган Пўлатовнинг журналистик маҳорат мактаби, беназир асарлари гўзал хотиралар билан қалбларда мангу яшайди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

# ЎҚИГАН ИНСОН ҚАЛБИДА ЁМОНЛИККА ЎРИН БЎЛМАЙДИ

Самарқанд вилояти ҳокими Адиз Музафарович БОБОЕВ билан суҳбат

1-6.

— Юқорида жуда яхши фикрларни айтдингиз. Дарҳақиқат, юртимизда, хусусан, Самарқандда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамай, кун тартибидан ҳали-ҳануз тушмай келаётган ишсизлик, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш борасида муаммолар долзарблигича қолмоқда...

— Бандлик масаласи, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва юқори иш ҳақи берадиган вазифа ҳамisha долзарб аҳамият касб этади. Муаммони қимларгадир ёки олдинги даврларни айбдор қилиб кўрсатиш фикридан йироқман. Лекин ҳақиқатни айтганда, ҳаётимизда шундай вақтлар, даврлар ҳам бўлдики, айтайлик, 10-15 йил аввал бизда иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш фақат статистикада, қоғозда зўр бўлган. Ҳатто “камбағаллик” деган атамани бундан 9 йил аввал айтиш мумкинмиди? Йўқ, албатта. Гўёки бизда ҳамма бой, камбағал, ночор қатлам йўқ. Бу оғриқли масалада ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайлигина очқойдинлик ўртага қўйилди. Илк бор камбағалликни қисқартириш, одамларни келажақда ёки эртага эмас, бугун рози қилиш, керак бўлса, ишли қилиш масаласи кўндаланг қўйилди. Ана шу принцип асосида бугун фуқаролар касб-хунарга ўқитилмоқда. Биргина жорий йилнинг 10 ойи давомида Самарқандда 314,8 минг ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди. Бу фақат қоғозларда эмас, юз фоиз амалда бажарилиди. Натижада вилоятимизда ишсизлик даражаси йил бошидаги 5,4 фоиздан 4,8 фоизга қисқарди. Ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитишнинг ваучер тизими асосида 6,5 мингдан ортиқ аҳоли 35 турдаги касб-хунар ва хорижий тилга ўқитилди. Ил якунига қадар барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда 320 мингдан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланиб, ишсизлик даражаси вилоятда 4,5 фоизга қисқартирилди. Худудий инвестиция дастури доирасида қиймати 954,2 миллион долларлик 770 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 14 765 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Вилоятда аграр соҳа асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Қишлоқда ишсизликни камайтиришда бу соҳанинг ўз ўрни бор. Бу борада ҳам кўрсаткичларимиз ёмон эмас. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 44,4 трлн сўмлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2024 йилга нисбатан 3,9 фоизга ўсиши таъминланди. Ғаллачилик йўналишида 94,2 минг гектар майдондан 825 минг тонна ғалла ҳосили етиштирилиб, ҳосилдорлик 87,6 центнерга етказилди ёки ўтган йилга нисбатан 203 минг тоннага кўп ҳосил олинди. Пахта ҳосили бўйича 60 минг гектар майдонда гўза парвариш қилиниб, 265 минг тоннадан ортиқ хомашё етиштирилди. Ҳосилдорлик эса 2023 йилдаги 24,6 центнердан 44,2 центнерга етказилди ёки ўтган йилга нисбатан 41 минг тонна қўшимча ҳосил олинди. Соҳада юқори ҳосил берадиган Хитой уруғларидан 9340 гектар майдонга Шинжон технологияси асосида қўшқатор схемада, плёнка ости ва томчиллатиб сугорилиш тизими жорий қилиниши яхши самара берди. Ўртача 55-60 центнер, айрим фермерлар томонидан 65-70 центнерга ҳосил олинди. Деҳқончилик йўналишида 1,7 млн тонна сабазавот, 791 минг тонна картошка, 345 минг тонна мева ва 567,2 минг тонна узум етиштирилди. Қорвачилик соҳасида эса қиймати 380 млрд сўмлик 81 та лойиҳа амалга оширилиб, йирик шохли моллар 2,5 млн бошга ва майда шохли моллар 2,6 млн бошга етказилди. Натижада 245 минг тонна гўшт, 1,1 млн тонна сут ва 1,2 млрд донга тухум маҳсулотлари етиштирилди. Шунингдек, “Булунгур-Агростар” МЧЖ томонидан Булунгур тумани “Гўбдин” маҳалласидаги 2 гектар ер майдонидан картошкачиликни ривожлантиришга қаратилган замонавий Агрокомплекс лойиҳасини куриш ишлари бошланган. Маъзур комплексда 10 минг тонна картошкани сақлаш, саралаш, қадоклаш ва логистика қувватлари ишга туширилди. Бундан ташқари, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти қошида Ўзбекистон-Корея картошка уручилиги маркази фаолияти йўлга қўйилди.

— Юртимиздаги мавжуд тарихий обидаларнинг жуда кўпи Самарқандда ҳойлашгани сир эмас. Аини кунда воҳанинг сайёҳлик салоҳияти қай даражада?

— Дарҳақиқат, шундай. Юқорида айтганимдек, Самарқанд жуда улугвор, бетакрор ва мўътабар шаҳар. Шаҳримизга ташриф буюраётганларнинг бу ерга келиш орузида яшаётганларнинг дунёда сон-саногои йўқ. Дунёга машҳур шарқшунослардан бири Самарқандни афсона ва ривоятлар шаҳри деб атаган экан. Чиндан ҳам Фирдавсий ўз “Шоҳнома”сида куйлаган, улуг мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Муҳаммад Шайбонийнинг каби зотлар бу заминда яшаб, ижод қилган. Александр Македонский, Чингизхон сингари жаҳонгирлар эса қўшин тортиб келган. Бу тарихий маъмулотларни, албатта, ҳамма билади. Бу заминга Қозизода Румий, Али Қўшичи сингари олимлар меҳр қўйганлар. Биргина Мирзо Улугбек бобомизнинг жаҳон илм-фананда тутган ўрининг қиёсини топиш мумкинми? Муҳташам Регистон майдонидек гавҳар бу оламда яққо ягонадир. Шу боис ҳам туризм, сайёҳлик вилоятимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бирига айланган. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида Самарқандга 1,9 млн нафар хорижий, 3,8 млн нафар маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 50 фоизга кўп дегани. Йил бошидан буён туризм хизматлари экспорти 427 млн долларни ташкил этиб, туристларнинг ўртача қолиш кунни 3,5 кунга узайди. Ўтган даврда вилоятда 194 та жойлаштириш воситалари, жумладан, 13 та меҳмонхона, 37 та хостел, 144 та оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилиб, вилоятдаги жойлаштириш объектилари сони 821 тага, ўринлар сони эса 22 680 тага етказилди. Шунингдек, жорий йилда 63 та туркомпания фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг сони 451 тага етди. Йил бошидан буён вилоятда туризмни кенг оммалаштиришга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро фестиваллар, маданий тадбирлар ўтказилди. Жумладан, “Халқаро паролан”, “Халқаро ҳаво шарлари”, “Самарқанд нони — халқ бренди”, “Самарқанд оши” халқаро фестиваллари, дрон шоуси ташкил этилди. Натижада мавсумдан ташқари ойларида ҳам вилоятимизда 693 минг нафар хорижий, 1,5 миллионга яқин маҳаллий сайёҳлар келди. Бундан ташқари, Уругутдаги Терсақ ва Омонқўтон, Нурободдаги Оқой маҳаллаларида “туризм қишлоғи” мақоми берилди. Йил якунига қадар яна 5 та маҳаллага туризм қишлоғи мақоми берилди ва вилоятдаги туризм қишлоқлари сони 14 тага етди. Шу тарихи йил охиригача хорижий сайёҳлар сони 3 млн нафарга, туризм хизматлари экспорти 600 млн АҚШ долларидан охириш кўзда тутилмоқда. Вилоятда зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи, Имом ал-Мотуридий мақбараси атрофлари кенгайтирилиб, курилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Имом ал-Бухорий мажмуасида реконструкция ишлари якунига етказилди, бу ўз навбатида зиёрат туризми оқими кескин ошишига олиб келади.



— Юқорида қурилиш, бунёдкорлик ишлари вилоятда сезиларли даражада ошганини айтдингиз. Бу, асосан, нималарда намоён бўляпти?

— Ҳа, чиндан ҳам қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 118,8 фоизга ошди. Бу йил вилоятимизда 123 та ижтимоий соҳа иншоотлари ва 100 дан зиёд бошқа объектлар қурилди. 1 600 километрдан зиёд йўллар таъмирланди. Аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида 20 мингдан ортиқ оилага мўлжалланган 340 та турар-жой тиналари барпо этилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган Реновация дастури асосида Самарқанд шаҳрининг темирйўли орти худудида 3 мингга яқин эски уй-жойлар ўрнида 100 минг аҳоли учун мўлжалланган замонавий аҳоли массиви қурилиши олиб бориламоқда. Бу ерда ақли технологиялар асосида кўп қаватли турар-жойлар, ижтимоий соҳа объектилари, аҳоли учун барча қулайликларга эга бўлган инфратузилма яратилмоқда. Бугунги кунда вилоятда аҳолининг “яшил майдон”лар, хиёбонлар ва спорт майдончаларига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб борапти. Шунга асосан Самарқанд шаҳридаги собиқ ҳарбий госпиталнинг 5,4 гектар ер майдонидан “Болалар ва яшил жамоат парк”, “Ватанпарвар” маҳалласида 7 гектар майдонда “Ватанпарвар” ҳамда Истироҳат боғлари, Сўғдиёна массивидаги 3 гектар майдонда эса “Оила боғи” ташкил этилмоқда. Бу объектлар яқин вақтларда бирин-кетин халқимиз ва болажонлар ихтиёрига топширилади.

— Аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришда очик айтиш керакки, муаммолар йўқ эмас. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Халқимизнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш, бу борада қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мақсадида юқори қувватдаги шамол ва кўёш электр станциялари барпо этилмоқда. Жумладан, аини пайтда Нуробод туманида “Асва Power” компанияси томонидан 1 000 мВтлик 2 та кўёш фотоэлектр станцияси куриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2027 йилда ишга туширилиши режалаштирилган маъзур станцияларда йилга ўртача 2 млрд кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 360 минг нафар аҳолининг электр таъминоти яхшиланади. Пайкарж, Жомбой ва Булунгур туманларида жами қуввати

500 МВт бўлган шамол электр станциялари курилмоқда.

— Йўллари мамлакат қон томири дейишади. Йўл қурилиши борасида-чи, аҳолига қандай қулайликлар барпо этилмоқда?

— Вилоятдаги қурилишлар ҳақида гапирганда, Президентимизнинг алоҳида эътиборлари билан Самарқанд шаҳри ва Уругут тумани боғловчи 55 километр янги темирйўл тармоғи, 2 та вокзал қурилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Умумий қиймати 83,7 млн АҚШ доллари бўлган маъзур лойиҳа жуда қисқа фурсатда амалга оширилди. Бу темирйўлнинг қурилиши Уругут тумани аҳолиси ва тадбиркорларига жуда катта имконият ва қулайликлар яратиб, худуд ривожига хизмат қилади. Бундан ташқари, аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тез ва шозишлик тиббий ёрдам кўрсатиши таъминлаш мақсадида тез ёрдам машиналарининг ҳаракатланишида вақтни тежаш, беморларнинг тезроқ шифохонага етказилиши учун тез тиббий ёрдам машиналари Мотрид халқа йўлининг ўзидан Республика шозишлик тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалига олиб борувчи асосий кўчага уланадиган 205 метрдан иборат йўл очилди. Самарқанд шаҳридаги Сибё бозори ёнида автобус ҳамда трамвай бекати мавжуд бўлиб, одамлар Сибё бозоридан қичиб, айнан ана шу бекатда жамоат транспортига чиқади. Маълум вақт ушбу кўчадан ўтиш жойида панжаралар ўрнатилган эди. Бу жойда светофор ўрнатилиб, пиёдалар ўтиш жойи ҳам очилди. Самарқанд темирйўл вокзали худудидаги туннелнинг орадан 19 йил ўтиб қайта ишга туширилиши ҳам фуқароларнинг эркин, ҳавфсиз ҳаракатланиши учун имконият яратди. Аини кунларда Самарқанд шаҳрининг Регистон кўчасидаги ерости пиёдалар ўтиш жойини қайта очиб ишлари олиб бориламоқда. Бу худудда 2-мактаб жойлашган, ўқувчилар ва сайёҳлар кўп ўтиб қайтадиган гавжум жой ҳисобланади. Ушбу ерости ўтиш жойи ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Самарқанд шаҳрида тирбандлик масаласи жуда долзарб. Бу муаммони бартараф этиш учун бир нечта йўналишда чоралар кўриляпти. Қисқа муддатли чора сифатида светофорларни интеллектуал тизимга ўтказиш, яъни транспорт оқимига қараб чўққонинг вақти ўзгартириш бўлади. Иккинчидан, жамоат транспортини қўлайтириш бўйича ишларни давом эттираемиз. Айрим йўналишлар бўйича эса белгиланган вақтларда “шаттл” автобуслар — бир йўналишда тез-тез қатнайдиغان кичик автобуслар ташкил этиш вақти келди.

— Кечирасиз, шу ўринда яна бир савол. Йўлларда тирбандликларни камайтириш, автотураргоҳлар куриш борасида амалий ишлар, қандайдир чоралар кўриляптими?

— Ҳа, автотураргоҳлар — Самарқанднинг энг жиддий муаммоларидан бири. Аини шу кунларда шаҳар марказидаги кўчаларда тирбандликлар пайдо қилаётган нарса — бу йўл четига қўйиб кетилаётган машиналар, десак, тўғри бўлади. Муаммонинг ечимини битта — янгидан катта ва кўп қаватли автотураргоҳлар қурилиши шарт, бошқа йўл йўқ. Дунё тажрибасида “Park & Ride” деган тизим бор. Бунинг маъноси шунки, Самарқандга келган сайёҳ ёки бошқа эҳтиёж билан келган инсонлар шаҳарнинг четида шахсий автомашинасини қолдиради ва автобус ёки трамвай билан марказга йўналади. Гап шундаки, одамлар мана шу шарт-шароитни яратишимиз керак. Лекин ҳозирча бундай шарт-шароитни ярата олганимиз йўқ. Давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этилган шаҳарлараро ва халқаро автошўхбкат каби лойиҳаларни давом эттиришимиз лозим. Нафақат шаҳар, балки вилоятнинг барча худудида велосипед ва пиёдалар йўлаклар барпо этиш ишларини давом эттираемиз. Хабарларингиз бор, экологияни асраш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш билан бевоқифа боғлиқ бўлган ушбу масала Давлат дастурига ҳам киритилди. Йил давомида давлат идоралари масъул ходимлари ишга пиёда, велосипед ёки жамоат транспортида қатнаётган-

лиги тўғрисида тарқатилган хабарлар ёдинда, албатта. Шу кунларда Регистон майдонига қирладиган ер ости йўлаги ҳам тартибга келтирилиб, фойдаланишга топшириш учун тайёрланаётган бўлса, кейинги навбатда Даҳабед ва Рудакий кўчалари кесиммаси яқинидаги ер ости йўлаги тўлиқ қувватда ишга туширилади. Умуман олганда, шаҳардаги тирбандликлар масаласига Президентимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Юртбошимиз Самарқанднинг маъмурий марказини 660 гектар майдонда янги барпо этилаётган Ширин массивига кўчириш бўйича курсатма бергани фикримизга бир мисолдир.

— Вилоятда таълим сифатини, ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасидаги вази-фалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Давлатимиз раҳбари томонидан юртимизда таълим сифати ва моддий техника базасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда вилоятимизда 81 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, иккита олий таълим дароғи, 9 та спорт иншооти курилади. Нодавлат мактаблар ташкил этишга қаратилган эътибор туфайли бу йил яна 5 та хусусий мактаб фаолият бошлаб, уларнинг умумий сони 51 тага етди. Бугунги кунда вилоятимизда 3-7 ёшли 392 минг нафардан ортиқ болаларнинг 287 минг нафари ёки 73 фоизи боғчаларга қамраб олинган. Йил якунига қадар бу қамров 75,6 фоизга етказилади. Мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи ўтган йил 45 фоиз бўлгани ҳолда бу йил 50 фоиздан ошди. Натижада битирувчиларнинг олий таълимга ўқишга кириши бўйича кўрсаткичнинг олтинчи поғонага кўтарилди. Шунингдек, таълим сифати бўйича юр-саткичларимиз эса ўтган йилга нисбатан 3 поғонага юқорилади.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш бўйича вилоятда нималар қилиняпти? Шу ўринда вилоят спортчилари эришяётган натижаларга ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўналиши бўйича жорий йилда 3,2 трлн сўм маблағ ажратилди. Жорий йилда турли соҳаларга иxtисослашган 25 та тиббий муассасаси фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттириляпти. Самарқандлик шижоатли спортчилар йил бошидан буён Жаҳон чемпионати ва кубоги мусобақаларида 8 та, Осиё чемпионатларида 61 та медални қўлга киритдилар. Бундан ташқари, “Беш ташаббус олимпиадаси” бўйича ўтказилган мусобақа ва курик-танловларнинг республика босқичида вилоят вакиллари 19 та олтин, 14 та кумуш, 9 та бронза медалларни қўлга киритиб, ўтган йилгига нисбатан 11 поғона юқорилади ва республикада 1-ўринга чиқди. Вилоятнинг бoш жамоаси — “Динамо” футбол клуби ҳам мухлисларни хурсанд қилди. Вадим Абрамов бошчилигидаги маъзур жамоа бу йил супер лигада муваффақиятли иштирок этиб, мавсумни 4-ўрин билан якунлади.

— Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққийотида хорижий сармояларни жалб қилиш алоҳида ўрин тутиши сир эмас. Бу борада қандай режалар бор?

— Иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва вилоятимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича амалий ишлар олиб бориламоқда. Хусусан, жорий йилда иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига 1,9 миллиард доллар (169,0 фоиз) тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Шунингдек, қиймати 656 миллион долларлик 18 та йирик ва аҳамиятли лойиҳа амалга оширилмоқда. Бугунги кунда, ушбу лойиҳаларнинг 437,5 миллион долларлик 14 таси ишга туширилиб, 1 075 та янги иш ўринлари яратилди. Бу ўринда янгидан ташкил этилган “Самарқанд инвест компанияси” ҳақида тўхталиб ўтсам, Президентимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган “Самарқанд инвест компанияси” — Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган ак-

циядорлик жамияти бўлиб, вилоятнинг инвестиция муҳитини яхшилаш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш мақсадларини қўзғайди. Компаниянинг асосий вазифа ва мақсадлари қўйидагилардан иборат: давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилиши — ер участкалари, инфра-тузилма, лойиҳа-офислар ва бошқа зарур ресурсларни тақсимлашда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши соддалаштириши назарда тутади. Инфра-тузилма ва транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантиради — вилоят инфра-тузилмасини кучайтириш, шаҳарсозлик объектилар учун инженер-коммуникацияларни ташкил қилиш ва талабга мос ҳолда моддий базани янгилаш вази-фасини олади. Лойиҳа молиялаштириш ва ресурсларни таъсирли бошқаради — инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, зарур маблағларни жалб қилиш, бюджет ва хусусий маблағлардан самарали фойдаланишни назарда тутади. “Самарқанд вилоятини ривожлантириш жамғармаси” маблағларини бошқаради — Самарқанд инвест компаниясига вилоят ривожланиш жамғармаси маблағлари бошқарув ҳуқуқи берилган. Бу жамғарма махсус долзарб инфра-тузилма лойиҳалари, аҳоли хизматлари (коммунал, ижтимоий объектилар ва ҳоказо) учун сарфланади.

— Адиз Музафарович, энди матбуот ва оммавий ахборот воситалари оид савол билан муурожаат қилмоқчиман. Очиги, ҳозирги пайтда айрим ҳокимлар ҳам, катта-кичик айрим раҳбарлар ҳам матбуотдан, хусусан, босма нашрлардан анча ўзқолашган. Сизнинг газета-журналларга муносабатингиз қандай, ўқиб борасизми?

— Жуда долзарб масалада савол бердингиз. Менимча, ҳар бир уйда газета ёки журнал бўлиши керак. Негаки, ўқиган инсон қалбида ёмонликка ўрин бўлмаганидек, газета-журнал кирган хонадонга ҳам маърифат, маънавият кириб боради. Шаҳсан ўзим иш кўнимини эрталаб вақтни нашрларни кузатишдан, ўқишдан бошлайман. Эсингизда бўлса, илгари одамлар турли номдаги газета ва журналларга оубна бўлишар эди. Мактабларда эса ўқувчилар ўз нашрларини интиқиб қўтишарди. Ёшлар муролаа кўнимисини айнан ана шу газета-журналлардан олишарди. Китоб ўқимаган, газета ўқимаган одам жуда кўп нарса ютқазди. Биринчи навбатда саводли ёзишни, мустақил фикрлашни фақатгина ўқиш ва ўқиш ўргата олади. Аммо минг афсуски, кейинги вақтларда интернет, ижтимоий тармоқлар пайдо бўлиши билан аҳоли орасида вақтли матбуотни муролаа қилиш, дарҳақиқат, анча сусайиб кетди. Тўғри, интернет ҳам керак. Аммо оилада соғлом муҳитни шакллантириш, миллий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларга тўғри тарбия беришда вақтли матбуот нашрларининг аҳамиятини ҳи нарса билан қийсалаб бўлмайди. Шунинг учун мен матбуотни, хусусан, босма нашрларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тарафдориман. Муҳтарам Президентимиз матбуот ва оммавий ахборот воситаларини доимий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Китобхонлик масаласига эса юртимизда давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Яна бир гап. Кўпгина нашрлар қаторида “Hurriyat”ни ҳам ўқиб бораман.

— Очигини айтсам, айниқса, охири гапингиз билан жуда мамнун эдингиз. Раҳмат сизга. Мана, 2025 йил ҳам якунига етмоқда. Келгуси йил режалар билан ўртоқлашсангиз...

— Биз 2026 йил учун олдимизга жуда катта марраларни қўйганмиз. Яқинда Президентимиз Самарқанд вилоятга ташрифи доирасида ўтказилган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан яна бир қатор вази-фаларни белгилаб бердилар. Жумладан, Оқдарё, Пайкарж, Пастдарғон, Тойлоқ ва Самарқанд туманидаги 17,5 минг гектар худуд Самарқанд шаҳрига қўшиб бериладиган бўлди. Бунинг ҳисобига Самарқанд шаҳри аҳолиси 604 мингдан 882 мингга ошди. Шу боис аҳолиси ва даромади кундан-кунга ўсиб бораётган Самарқанд шаҳрида замонавий уй-жойларга бўлган талабини таъминлаш учун 3 та йирик массив танлаб олинди. Жумладан, “Ширин” массивида 180 минг, “Темирйўл орти” худудида 100 минг, “Қорасув-2” массивида 30 минг аҳоли учун 700 дан ортиқ замонавий кўп қаватли уйлар барпо этилади. Бу ерларда мактаб, боғча, олийгоҳ ва шифохона, замонавий бизнес ва савдо марказлари, меҳмонхона ва ресторан, кўнгличар масканлар ҳам бунёд этилади. Испаниялик инвесторлар билан хусусий шериклик асосида ушбу 3 та массивнинг сув-оқова тизими янгиланади. Шаҳарда юк транспортни хара-катини камайтириш мақсадида Оқдарё, Тойлоқ ва Самарқанд туманидан ўтувчи магистрал йўл бўйида 4 та логистика маркази барпо этилади. Насос станцияларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқариш амалиятини кенгайтириб, вилоятдаги насос станцияларнинг 50 фоизи хусусий шериклик бошқарувига берилади. Қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминланиши бўйича 2026 йилда қиймати 236,5 млрд сўмлик 483 та янги қишлоқ ҳўжалиги техника ва агрегатлари қишлоқ ҳўжалиги корхона-ларига етказиб берилиб, техника таъминоти 5 фоизга оширилади.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур! Суҳбатдош: Убайдулла ХўЖАНИЁЗОВ, “Hurriyat”нинг Самарқанд вилояти бўйича ўз муҳбири.

СИЙРАТ

Бир инсон ҳақида айтилган кўпларнинг турфа фикрлари бўлиши мумкин, аммо энг тўғри таъриф ҳар кимнинг ўзи ҳақидаги фикридир. Ҳеч ким одамни ўзичалик билмайди ва ўзичалик тўғри таърифлай олмайди. Беназир шоирамиз Ҳалима Худойбердиеваннинг устозимиз Зулфияхонимга атаб ёзган бағишлов шеърларида куйидаги мисра эсингиздадир:

Шеъримга нур аралаш тўқиласиз,  
маликам,  
Ўзингизни ўзингиз ҳўп биласиз, маликам...

Юқоридаги мен айтган фикрни шоирона тарзда жуда ўхшатиб айтган-а...

Мен нимага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра Жамилова ҳақида ёзаётган битикларимни инсоннинг ўзини ўзи билиши ҳақидаги фикрлар билан бошлашим? Чунки Гулчеҳранинг ижодида ҳам шу фикримни тасдиқлайдиган сатрлар бор:

Ишқ ҳомиysi — менинг кўнелим,  
Нур водийси — менинг кўнелим...

Ким нима деса десин-у, мен бу сатрларга жуда ишонман. Чунки Гулчеҳра менинг синашта синглим. У билан "Саодат" журналида бир неча йиллар бирга ишлаганимиз. Аёлининг муҳаббати энг аввало оиласига бўлган муносабатда намоён бўлади. Ўз турмуш ўртоғига садоқат сақлаган, ўз фарзандлари учун жонини нисор қилган аёлдагина кўпларга, дейлик, халқига, миллатига чинакам садоқат, чинакам муҳаббат бўлиши мумкин. Оддийгина қилиб айтсак, бир одамни эллаб севган одамгина катта муҳаббатларга қодир бўлади. Гулчеҳрада шундай муҳаббат бор. Биргина мисол. Барча касбагаилар, шу жумладан, журналистларнинг ҳам ўз соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилиб қўйган, мансаб, лавозим маъносидан имкониятлари кенгайди. Гулчеҳра ҳам ҳақли равишда "Саодат" журналининг бош муҳаррири ўринбосари даражасигача кўтарилган эди. Биламизки, "Саодат" журналининг нуфузи нуқтаи назаридан қарасак, бу яхшигина кўтарилиши эди. Аммо Гулчеҳра ўзи ариза ёзиб ишдан бўшади. Чунки ўша йили тилаб олган қизалоғи мактабга чиқиши керак эди.

— Уни мактабга ўзим олиб бориб, ўзим олиб келишим керак. Уйимга яқин жойда ишлайман керак, — деди ва шундай қилди. Шундай пайтлар бўлдики, журналистда ишлаб турган пайтлари шариот моддий жиҳатдан турмуш ўртоғига таянч бўлиши талаб қилди. Гулчеҳра баъзиларга ўхшаб дардини дастурхон қилмади. Кимларнидир ёзғариб, нималардандир шикоят ҳам қилмади. Тинмади, тинчимасди. Ёзди. Саксонинчи, тўқсонинчи йиллар босма нашрларининг энг фаол муаллифлари билан бўлди. Бу меҳнаткашлик Гулчеҳрага фақат моддий манфаат эмас, маънавий таъдирлангани ҳам эди: "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони билан мукофотланди.



# Унинг кўнели нурлар водийси

## Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Гулчеҳра ЖАМИЛОВА суратига чизгилар



Аксарият журналистлар битта йўналишда ёзишга ихтисослашган бўлади. Гулчеҳра ҳам "Саодат" журналида ишлаб юрган пайтларида асосан хотин-қизлар йўналишида, қадриятлар билан боғлиқ мавзуларда кўпроқ ёзарди. Дошиманд бобо, буйиларидан иқтибослар келтирарди. Ҳатто унга:

— Гулчеҳра, энангизни бир кун бизникига жўнатиб юборинг, битта мақола ёзай, — дея ҳазил ҳам қилардим. Биздан сўнг у уйига яқин жойда — "Сихат-саломатлик" журналида масъул вазифада ишлаб бошлади. Бирдангина бир йўналишдан иккинчисига ўтгани ёзганларидан сезилмади. Аммо бу жараҳнинг ичидан юрган одам билди: қадриятлар ҳақида ёзиб юриб, тиббиёт мавзусида яхши мақола ёзиш анча ўрганиш, анча меҳнатни талаб қилади. Гулчеҳра табиатдан жуда меҳнаткаш бўлгани босиб тиббиёт мавзусини жуда тез ўзлаштирди. Тиббий ҳаётга тез киришиб кетди. Кейинги йилларда унинг қаламига мавзу берадиган ҳудудлар жўрғофияси яна ҳам кенгайди.

Бугун фарзандлари ёнига кирди, Гулчеҳранинг ижод имкониятлари яна ҳам кенгайди. Кейинги пайтда кетма-кет нашр қилинган "Ўзим билан юзма-юз", "Нур водийси" китоблари ўша имкониятларнинг самарали янқуларидан бири, деб биламан. "Юзма-юз" китоби "Ойдин қишлоқ қиссаси" бадиаси билан бошланади. Ундан сўнг "Сендаги тонглари кўшли" бағишлови келади... Бизнинг ўқувчиларимизда сюжетли асарларни ўқишга мойиллик кучли. Бадиия билан ўқувчини ушлаб туриш қийинроқ. Аммо Гулчеҳранинг бадиаси шавқ билан ўқилади. Ўзи айтганидек, кўнглидаги нур сатрларни нурлантириб туради. Бу — муҳаббат нури. "...Намуш майсаларнинг хушбўй иси димоғимга урилди. Гуллар янроғидаги ёмғир томчилари биллурдек ярқирайди. Дарахларнинг барглари ҳам тозариб, яшиллиги янада ортгандай..." Кўз олдингизга Гулчеҳра тасвирлаётган унга қадрдон қишлоқ эмас, ўзингизнинг қишлоғингиз келади. Майли-да, гуллар эмас, янтоқ, оқбошлар ўсаётган бўлисин... Майли-да, зилол сувлар эмас, бутана сув оқаётган бўлисин... Иқтидорли кўл тутган қаламнинг кучи шунда: муҳаббат хотираларини уйғотади, соғинч хотираларини уй-

ғотади. Мен адиллар, шоирлар ижодини сеvimли қиладиган муҳаббат туйғуси ҳақида гапирсам, ҳеч қачон "Она муҳаббати", "Ватан муҳаббати, фарзандга муҳаббат" деб ажратмайман. Ажратиш — хато. Чунки муҳаббат — яхлит туйғу. Одам боласи юрагининг бир бўлагига бошқа севгини, бошқа бўлагига яна бошқа севгини жойлаб яшамайди. Шу маънода Гулчеҳранинг "Сендаги тонглари кўшли" бағишловининг давомидидаги "Тўмарис ва Широқ", "Болага буюқлар ҳақида гапирайлик", "Қишлоғим жадидлари" каби мақолаларда ҳам тўғилган тупроққа, унинг фидойилари ва келажагига бўлган иссиқ бир муҳаббат, яхлит бир муҳаббатни ҳис қиламан. Биттагина "...Ватанда яшаб туриб ҳам уни соғинар экансан баъзан" деган сатрнинг ўзи ҳам юқоридаги фикрни айтишга имкон беради.

Гулчеҳранинг сўнги йиллар ижодининг маҳсули бўлган ҳар икки китобдаги мақолаларнинг энг кўпи китобхонлик мавзусида ёзилган.

Муаллиф бугунги сиёсатимиз марказида турган китобхонликка ундаш мавзусига ўзига хос йўсинда ёндашади. "Ўқи, китоб бер" деган давъатлардан қочади. Китоб билан боғлиқ армонлар, қувончлар, оғриқларни суварлантиради. "...Аспирнтлик йилларим эди. Турмуш эҳтиёжига кўра ўн дон қимматбаҳо китобни бункистик китоб магазинига топширдим. Улар орасида таниқли шарқшунос олим Бартольд асарлар тўплами ҳам бор эди. Ўйга қайтган, хотиржамлигим йўқолиб, ухлай олмадим. Эрталаб ишга бориладим.

Ўша китобларни қайтариб олиш учун дўконга бордим. Аммо китоблар ўша кунгиз сотилиб кетган экан. Кейин бу китобларни узоқ изладим. Аммо топа олмай армонда қолдим..."

"...Китоб дўконига бир борганимда профессор Мушкетовнинг "Туркистон" деб номланган китобини кўриб қолдим. 25 сўм (ўша пайтда бу пул маошимнинг тўртдан бир бўлаги эди) пулим йўқлиги учун харид қилолмадим. Ўйга бориб, рафיקамаза бу китоб тафсилотларини, буюғни армонимни гапириб бердим. Эртасига ишдан келсам, столим устида "Туркистон" китоби турибди. Хотиним ойлик

маошидан уйга бир буюм олиш учун йилги юрган пулига шу китобни сотиб олибди". Бу — Гулчеҳранинг академик, дунё таниган гематолог олим Саиджало Бахрамов билан қилган суҳбатларидаги битиклар.

"Китоб дўконига иккита қизнинг суҳбати қўлоғимга чалинди:

— Қара, бу китобнинг юзидаги суварати чиройли экан. Гулга қўшиб берсам, ўртоғимнинг тутилган кунига соғва қилсам бўларкан.

— Китоб олиб келибди, деб энсаси қотмасмикан?

— Ёнига яна бирор дурустроқ нарса қўшарман..."

Бу ёзувчининг кундалик ҳаётидаги юрагини оритган бир воқеа.

Чақириқлар, ундовлар ўқувчининг эсида қолмаслиги мумкин, аммо бундай сатрлар эсда қолади ва ўқувчига нима қилиш ва қилмаслик илмидан нималардир ўргатади. Синкляк қаралса, Гулчеҳранинг ижодида яна бир ўзига хослик кузатилади. У қисқа сатрларга чўнг мазмунни чиройли сингдира олади. Дейлик, назмда:

Том устидан ерга отди ўзини  
Лолқизғалдоқ,  
Тўлиб кетган эди юраги.

Юрак, қушим, парвозга шайлан.  
Қафасингни синдир, парчала.  
Сендан бошланади Озодлик.

Дейлик, насрда: "Чинниқоп" деб аталган бир қатрасимон нарса бор. Унда айтаётган, чинниқоп музейда сақланар экан. Томоша қилгани келганлар унинг нима учун ишлатилишини биллишмабди. Шунда музей директори изох берибди:

— Қадимда ота-боболаримиз қарвонлар билан узоқ сафарларга чиққанида йўлда ўзларининг эҳтиёжларига ишлатадиган чинни буюмлар синмаслиги учун махсус шундай гиплоларда олиб юрилиган экан. Бугун учун бу аризмаган нарсасдек туюлиши мумкин. Аммо ўша давр нуқтаи назаридан қарасак, аждодларимизнинг эҳтиёткорлик, покизалик каби фазилатлари бўртиб кўринади. Ва адиба бу

ихчамгина битикда кўли гул, яратувчан халқимизни бир қадар ишонарли тарзда гавдалантирми олган.

Бу икки китобда ҳам турли жанрдаги асарлар бор: бадиалар, эсселар, мақолалар, шеърлар, ҳикоялар, ҳажвийлар, ҳатто драматик асарлар...

Озгина муддат ноширлик қилганман. Тажрибам бор. Агар Гулчеҳра китоб қилишдан аввал унинг мундарижаси ҳақида мен билан гапиршишганда, мен бу битикларни тамоман бошқача шаклдаги китоб қилиб берадим. Лекин нафсиларини айтганда, китоб масаласида синглимиз тенгдошларига қараганда анча баракали хирмон кўтарган: "Умир ҳикматлари", "Қоядаги атирғул", "Мовий барқут сирини", "Ёруғ кун", "Мен борман, ҳаёт", "Хизрни кўрган одамлар"... Китобнинг номларига ҳам ҳавас қилса бўлади, ёруғ, умидлар тирик...

Барча китобларни ўқиб қиққач келинадиган асосий хулоса ҳам шу туйғуларга яқин. Аждодларимиз яшаб ўтган, биз яшаган, авлодларимиз яшайдиган юртимизда яхшилар, яхшиликлар кўп. Кимдир, кимлардир:

— Йўқ, ундай эмас, кўзингизни каттароқ очинг, — деб оёқ тираб турган бўлса-да, журналист, адиба, шоира Гулчеҳра Жамилова бу китоблари билан:

— Йўқ, барибир яхшилар ва яхшиликлар кўп, — дея улардан ҳам баттарроқ ўжарлик билан оёқ тираб турганга ўхшайди. Яна гап аввалига қайтаман. Ахир унинг ўзи "Кўнглим — нурлар водийси", деяпти-ку. Севиб, нури кўнгли билан қараган кўзга юрт ҳам, миллат ҳам, халқ ҳам чиройли кўринади. Бу чиройи ҳақида мавжуд хатоликлар, иллатлар кичрайдди, рангсизланади...

Гулчеҳра энди донишмандлик фаслига кирди. Ёзиш имкониятлари кенгайди, маҳорати ошди. Тафаққури теранлашди. Шундай экан, бу тиниб-тинчимас, раҳматли Ойдин опағимиз таъбири билан айтганда, ўзини утга, чўққа уради синглимга саломатлик тилаб, меҳнатларининг қадри буюришини истайман.

Қўлибсе РАХИМБОЕВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

# ЯНА ГАЗЕТА ОБУНАСИ ВА МУТОЛАА ҲАҚИДА

## Хоразмда айрим раҳбарлар матбуот нашрларини ўқимамай қўйишибди...

1-6. Аммо Хоразм вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси раҳбари: "Тела"дан фақат 7 та газетата кўрсатма борлиги, биз ҳам ўз газетамизни шу нашрлар рўйхатига қўштириб билсакгина, обуна бўлиши мумкинлиги"ни билдирди... Ҳатто Хоразмдаги тиббиёт коллежлари раҳбарлари ҳам "биронта газета ва журналга обуна қилолмасликларини" айтишди. Ҳақини, мутолаадан узоқлашса... Ҳуқуқи ва талабалар ўқитармиди? Балки, иқтисодий бақувват ташкилотлар маънавиятга хайрихоҳ бўлишар деган фикрда, вилоятдаги қатор банкларнинг раҳбарларига "обуна" дея оғиз жуфтлашимиз билан, улар ҳам бошларини сарак-сарак қилишди. Айтишларича, ҳеч ҳам иложи йўқ экан. Обуна бўлинадиган нашрлар пойтахтдан режалаштирилиши, қолаверса, ҳозир "ҳамма нарса телефонда бор"лигини айтишди...



ривожланиб кетганидан энди нашрларни ўқимаса ҳам бўлавераридими?

Асло-асло бундай эмас! Ҳозирги аҳволга, яъни газета-журналларга бепасандлик, эътиборсизликнинг сабаби фақат ривожланишда эмасга ўхшайди. Негаки, юқорида айтилганидек, нима учун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Англия, Франция, Хитой, Япония, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа қатор давлатларда газеталар ҳамон юз минглаб, миллионлаб нусхаларда чоп этилмоқда? Қандай қилиб? Нима учун? Нима, уларда интернет, телефон йўқми?

Демак, гап бошқа ёқда. Биз шунчаки мутолаа завқидан баҳра олиш иштиқини йўқотиб бормоқдамиз. Катта-кичи раҳбарлар ҳам газета-журналларни ўқимаслиги, ҳатто минг афсуски, умуман ўқимаслиги билан мақтанлишарини қандай баҳолаш мумкин?

Маданиятимиз, маърифатимиз... Ҳа, маънавиятимиз оқсади, дейимиз. Мутолаадан узоқлашган одамни нима дейиш керак? Сўқонгич ҳоқимлар-у муштумзўр айрим бошлиқлар маънавият ва маданиятни телефондан ўрганишгаптими шунда?

Шубҳа йўқки, бундайлар китоб, газета-журнални доимий ўқишганида эди, одамларга асло салбий муносабатда бўлишмас, бўлиша олмас эдилар.

Ҳозир: "Агар газета-журналлар зўр чиқса, ўқишли бўлса, одамларнинг ўзи обуна бўлишади", дейдиганлар бор.

Ҳозир: "Газета-журналлар халқнинг дардини айтмайди, ўқийдиган ҳеч вақоси йўқ, қизиқ эмас", дейдиганлар бор.

Бу эътирозлар ҳам мутлақо нотўғри, асосиз демоқчи эмасми. Лекин эътирозмандлардан: "Сиз қайси нашрни охириги марта ўқиб кўрдингиз?" дея сўрасангиз, миқ этишмайди. Ҳатто бирор нашрга кўз ташлаганини эслолмайдилар ҳам! Шундай бўлган, нашрларни яхши-ёмон дейишга қандай ҳақингиз бор, деб сўрашга ҳақимиз.

Янги Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган улкан ўзгаришлар, бунёдкорликлар, беқиёс ислохотлар мазмун-моҳиятини, Президентимизнинг халқчил сиёсатини ёритиб бориш, ўқишли, залворли публицистик чиқишларни ижтимоий тармоқлар эмас, ҳақиқий матбуот амалга ошира олади. Шунинг учун ҳам барча соҳаларга, тизимларга етакчи нашрлар бориши керак. Имкон қадар "Маънавий саватча" лойиҳаси ташкил этилиб, юртимиздаги ҳар бир хонадонга ҳеч бўлмаганда бир-иккита газета-журнал кириб борганда эди!

Ва яна келажагимиз эгалари бўлган мактаблардаги ўқувчи ёшларнинг қўлида бир пайтлардагидек "Ғуна", "Гулхан", "Тонг юлдузи" сингари нашрлар бўлса эди. Ҳеч бўлмаганда ҳар бир мактаб кутубхонасига ана шу нашрлар етиб борса эди...

Яна ҳеч бўлмаганда ҳар бир ўқувчи, шифокор, олиму фузалолар, катта-кичи раҳбарлар ҳам ўзларининг қизиққан нашрларига обуна бўлишса эдим! Нима, шу иш жуда қийинми? Имконсизми? Бизнингча, қалови топиласа, қор ёнади деганларидек, бу вазифа биринчи навбатда турли тадбирлар уюштирадиган Маънавият ва маърифат марказининг, илм даргоҳларининг, маҳаллаларга бош бўлган ташкилотларнинг эътиборида бўлиши керакга ўхшайди.

Ахир Президентимиз ҳеч қачон ҳеч кимга "обуна бўлманлар" деганлари йўқ. Аксинча, Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситаларига сўз эркинлигини берганлиги, мамлакатда очиклик сиёсатини қўллаб-қувватлаётганларини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу улғувор қадамларни бутун дунё афкор оммаси ҳам доимо эътироф этади. Шундай экан, Янги Ўзбекистонни бунд этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини муस्ताҳкам қўйишда, ҳеч шубҳасиз, матбуот ҳам улкан аҳамият касб этиши муқаррардир.

Ҳозирча эса шу нарсага амин бўлдики, бошқа ҳудудларни билмадик, аммо Хоразмда мутолаа санъати жуда-жуда оқсаб қолган...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

## МУЖДА



# "THE LONDON POST" МУҲАРРИРИГА "ОЛТИН ҚАЛАМ" ТОПШИРИЛДИ

Буюк Британия Парламентининг Лордлар Палатасида "The London Post" ахборот портали муҳаррири Раза Саидга "Олтин қалам" мукофотини тантанали топириш маросими бўлиб ўтди.

Маълумот учун, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ўтказилган "Олтин қалам" XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловда Раза Саид "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси бўйича 2-урини кўлга киритган эди.

Р.Саид Ўзбекистондаги ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб, буни Бирлашган Қироллик жамоатчилигига етказишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Унинг муаллифлигига Янги Ўзбекистон тараққиётига бағишланган "EM Insight" журналининг биринчи сони нашр этилди. Нашрининг 10 минг нусхадан иборат адади дипломатик корпус ва эксперт-сиёсатшунослик ҳамжамияти орасида, шунингдек, Буюк Британиянинг етакчи университетлари, жумладан, Оксфорд университети, Империял ва Кингс коллежлари кутубхоналарида тарқатилди.

Маросимда "The London Post" ахборот портали муҳаррири Раза Саидга "Олтин қалам" статуэткиси, диплом-плакетка ва пул мукофоти тантанали равишда топирилди.

МУНОСАБАТ



# ИСРОФГАРЧИЛИК ҚАШШОҚЛИККА ОЛИБ КЕЛАДИ

## ёхуд ўзгаларга мактаниш учун тўй қиламизми?

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида бўлиб ўтган очик дарс кўринишидаги давра сўхбатда тўй ва маросимларимиздаги исрофгарчилик ва ортак дабдабозликларнинг салбий оқибатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Нурмурод ЧИННИҚУЛОВ,**  
**Филология фанлари номзода, доцент:**

— Маълумки, мамлакатимизда тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда йўл қўйлаётган салбий ҳолатларга қарши маърифат билан курашиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Муусулмонлар идораси, Ўзбекистон Маҳаллалари уюشمаси, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, “Нуроний” жамғармаси томонидан “Маромийлик” тартиби имзоланиб, долзарб 90 кунлик эълон қилинди. Албатта, бу сайъ-ҳаракатлар бежиз эмас. Тўйлар ҳақида гапирар эканмиз, бир нарсга одамни ўйлантириб қўяди. Бу муаммо юз йилдирки, ҳали-ҳануз энг оғриқли мавзу бўлиб келмоқда.

Ўтган асрнинг бошларида жаҳид маърифатпарварлари ҳам бу ҳақда кўплаб ибратли мақолалар эълон қилишган. Хусусан, жаҳидлар тўйлардаги ортак ҳаражатларни жамиятнинг энг катта муаммоларидан бири деб ҳисоблашган. Маҳмудхўжа Бехбудий бобомис “Тўй ва маросимларимизда исроф жуда кўп, бу халқни қашшоқлаштириди”, — деган ҳақда тўйни халқнинг иқтисодий юкига эмас, маънавиятига хизмат қиладиган тарзда тартибга солишни таклиф қилган эди. Абдулла Авлоний эса тўйлардаги исрофини “миллатнинг жонини сўриб олуви офат” деб атаган. Тўйлар “...ғурур ва мансаб учун эмас, хайр ва баракани учун” бўлиши кераклигини таъкидлаган. Орадан шунча йиллар ўтса-да, бу муаммо ҳануз бартараф этилмагани оғриқли ҳол... Ҳозир ҳам айрим ҳудудларда кимўзарга тўйгача ва тўйдан кейинги турфа хил маросимлар авжига чиққан.

Кейинги йилларда тўй қилиш учун кредит ва қарга пул олиш ҳам кўпайди. Бу ўз навбатида тўй қилганларга кейинги бир неча йил иқтисодий қийинчиликларга олиб келади. Қарз давлатдан олинмагани, бирор танишдан олинмагани, бу ўз номи билан қарз. Уни ваъда берилган муддатларда тўлаш керак.

Катта оруз-ҳаваслар билан тўй қилинди, бир кунлик тўй ўтди-кетди. Энди тўйдан кейинги муаммолар, олинган қарзларни ойма-ой тўлаш юки бошда турибди. Бу қарзларни тўлаш учун кўпчилик йилгитлар ёш келини ташлаб, Россияга ишга кетишди. Ёшлар ўртасида ажрашишларга оилани ташлаб, бир неча ой ёки йиллар муҳожириликда юриш ҳам сабаб бўлиши табиий.

Савол туғилади: шартми шунча катта ҳаражат қилиб, қарзга ботиб дабдабали тўй қилиш? Чўнтагида пули бор учун бундай тўй қилиш иқтисодий муаммо туғдирмайди. Бироқ айримларда тақдир қилиб, кимўзарга тўй қиладиганлар ҳам жамиятимизда талайгина.

Мен бир неча йил Россияда ишлаб пул топиб келиб, топганини дабдабали тўй қилишга сарфлаб, яна хорижга пул топиш учун равона бўлганларни кўрганман. Икки хонали уйда 3 ўғил, икки қиз билан яшайдиган бир танишим катта қизини узатди, бироқ ўғлини уйлантираётганда қарз ва яна кредит олиб тўй қилди. Ундан: “Шунча дабдаба шартми?” деб сўрасам, “Қудалар олдига юзим ёғиб бўлсин деб қилдим”, деди. Мана, муаммонинг яна бир илдизи қаерда? Дўст-ёронлар, қариндош-уруғ, қуда-анда олдига уялиб қолмайлик, деб ортак ҳаражати тўй қилинаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

**Кўчор НОРҚОБИЛ,**

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи:**

— Иқтисодий имконим банд-у, лекин маънавий даражам паст дегани эмасми бу?

Тўй-маросимларни ихчамлаштириш, камчиқим ҳолда ўтказиш, албатта, ўзимизга боғлиқ. Бизни ҳеч ким мажбурламапти, ёқамиздан олиб: “Сен бутун элга доғруги кетган тўй қилишинг шарт!” — деб дағдаға ҳам қилмайди. Хўш, шундай экан, кўпчилигимиз нега бугун тўй-маросимларимиз “хамма кўрсин” тарзида дабдаба-ю доғруқ билан ўтиши учун ўзимизни ўтга-чўққа урамиз? Очиғи, иқтисодий имкониятимизни кўрсатиб қўйишга, шунинг ордидан обрў олишга уринамиз. Лекин шу билан бирга маънавий даражамиз ўта пастлигини ҳам намоеён этамиз.

Тўғри, тўй миллий қадриятларимизнинг қадимий кўринишларидан бири. Бироқ манманлик, мақтанчоқлик, молу давлатни кўзкулаш учун тўй қилишни, айниқса, бундай кўсурлар ордидан исрофгарчилик юзага келишини сира оқлаб бўлмайди. Ҳатто динимизда ҳам исрофгарчилик қораланади. Қуръонни қаримда ҳам: “Исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”. (Исро сураси 27-оят) дейилган.

Хуллас, мажур мавзу бугун мутасадди идоралар олдига оғриқли муаммодан бири сифатида бежиз пайдо бўлгани йўқ. Тўй ва маросимлардаги қуюшқонга сизмаган ҳолатлар, тўйдан кейинги танг оқибатлар борасида гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу борада жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин.

Ҳурматли ёшлар, сизлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз, яхши бўларди.

**Азиза ДАВРОНОВА,**

**магистр:**

— “Уй қўрар” ёки “мол ёяр”, яъни келин томонидан кўвнинг уйига келадиган мебель ва жиҳозлар ҳозирда одатга айланиб бўлди. Бунда келин тарафдан бирор вақил кўвнинг уйини тўйдан олдин бориб қўриб келади. Хуллас, кўв ёшайдиган хонадонни мебель, маиший техника ва ҳоказо нарсалар билан тўлдириб қўзда тутилади. Тўғридан-тўғри нима олишларини нима олмасликларини, нима ёқишни-ю нима ёқмаслигини ҳам айтиб, керак бўлса, танлаб ҳам беришмоқда. Қизиқ, бу ўринда кўвлик гурури ерга урилмаётганимиз, деган аламли савол туғилади.

Тўйдан олдин ёки кейинги кунда ўтказиладиган кортеж учун ҳам 1000 долларлик ҳаражатга нима дейсиз?

“Matru me-Love story”, яъни никоҳдан ўтми маросими ҳам авж нуктада ҳашамат касб этмоқда. Бунда кўв томонидан ФХД ёки бирорта ресторатор гапшилади. Унда ҳам қиммат фото-видео, ресторатор, бошловчи ҳақи сингари нарсаларга маблағ сарфланади.

Қишлоқ жойларда эса тўйдан бир кун олдин келинликка кўв навкар боради. Қуруқ эмас, сарпо ва тоғоралар билан. Бу машаашага ҳам камида 1000 долларлик ҳаражат қилинади. Хуллас, бу чикимларнинг чақими тўйдан кейин ўз асоратини қолдиради, албатта.

**Рўзимбек ТОЛЛИЕВ,**

**магистр:**

— Айрим қишлоқларда бўлиб ўтадиган тўйлар ҳам шаҳардаги “кимўзарлик”дан кам бўлмапти. Тўйга қақирилувчилар

сонинг камида 800 кишидан бошланиб, 3000 нафарга етади, баъзан ундан ҳам кўп бўлади...

Шаҳарда бўладиган айрим тўйларга, асосан, Самарқанд ва Тошкент шаҳрида 10 миңдан 20 миң долларгача сарф-ҳаражат қилинади.

Айрим қишлоқ жойларда ҳам биргина суннат тўйи наҳор оши учун 1 тоннага яқин гўшт кетаркан, ўнлаб қозонларда ош дамланади. Тўғри, бу ҳолат ҳамма қишлоқларда ҳам учрайвермайди. Бу ҳол, асосан, воҳаннинг жуда кўп жойларда одат тусига айланмоқда.

Шу тахлит сарф-ҳаражатлар, “мени кўриб қўйинлар”, деб ҳаддан зиёд ортакча исрофгарчилик қилиш ўрнига, қурби баланд тўй эгалари қўли қалта, рўзғори камҳарж қишлоқдошлари, етим-есир, эҳтиёманд оилаларга шу ҳаражатларнинг оз мисоқлини сарфласа ҳам савоб бўлади-ку... Албатта, ортакча ҳаражат увоп, уволнинг эса заволи бор.

**Малика ПИРМАТОВА,**

**магистр:**

— Тўйлар бизнинг ҳаётимизда шунчаки маросим эмас, қадрият, маданият ва қувонч рами сифатида қаралади.

Бироқ охириги йилларда бу қутлуг ҳодиса кимўзар мусобақага айланиб қолаётгани яққол кўзга ташланапти. Баъзан одамлар тўйда ўзининг имкониятидан ортакча сарф-ҳаражат қилиб, қийин аҳволга тушиб қолаётгани сир эмас. Тўй инсонга кейинчалик азият етказадиган маросим эмас, аксинча, бахт ва қувонч улашадиган шодидена бўлмоғи лозим. Тўй қанчалик ихчам, самимий ўтса, унинг таъсири шунчалик илқ ва эсда қоларли бўлади. Кўп одамнинг кўз ўнгиде эмас, яқинлар даврасида ўтган маросим кўпроқ оила руҳи билан уйғунлашади. Бугун жамиятда тўйларни ихчамлаштириш ҳақида кўп фикрлар айтилмоқда. Бу фикрлар аъналарни чеклаша қаратилган эмас, аксинча, уларни ҳаётга мос, оқилона шаклда қолдириб қолмоқда. Тўйлар содда ўтган тақдирда ҳам оилада қувонч ва меҳр илдиз отади, рўзғорга барака инади.

**Гулноза ИСКАНДАРОВА,**

**магистр:**

— Тўй, аслида, энг яқин қариндошлар, дўсту биродарлар тўлғаниб, дийдорлашишга сабаб бўладиган маросим. Икки ёшнинг никоҳи эълон қилинадиган кун.

Агар тўйларимизда ҳаддан зиёд ҳашам-у ортакча оруз-ҳаваслар бўлмаса, қўпгина рўзғорлар иқтисодий ноҳор аҳволга тушиб қолмасди. Дастурхондаги тўқин-сончиликдан ташқари, маросимнинг бошқа жиҳатларидаги ортакчилик ва айтиш жоиз бўлса, аксинчилик кишини ўйлантириб қўяди.

Масалан, тўй либослари ҳақида гапирсам: бир маротаба кийиладиган либосларга аёллар миң долларгача пул сарфлайди. Уларнинг гўё модалар намойишига келгандек тутишади. Шу тўй баҳона қариндошлар даврасида эри олиб берган олтин дуралини кўрсатиб, мактанишади.

Фаровонлик даражасига бутун инсоният ҳавас қиладиган Америкада ҳам бизнинг тўйларимиздаги ортакча чиқими тушуна олишмайди. Таниқли журналист Аҳмадхон Мелибоев бундан 10-15 йил олдинги Америка таассуротлари билан боғлиқ мақоласида: “...Битта ўзбекининг эрталаб соат еттида 400-500 кишига текин ош беришини оддий америкаликка тушунириш мумкин эмас. Чунки уларнинг турмуши ва амаллари ҳаётий мантиқ қоидаларига асосланган. Энг ёмони, меҳмонга бор-будини тўкиб солган ўзбек оиласи фарзандага китоб сотиб олиб беришга, уларни спорт ва ёлгон кўзга қаратилган бериш учун чикимга келганда оғриниб қолишади. Тушунарсиз мантиқ. Аслида, ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган нарсаларга мол-мулкимизни соғурамиз, келажакимиз қафолати учун маблағимиз йўқ, бунга... сохта ҳурмат ва ёлгон обрў қозонишга бўлган интилишимиз сабаб бўлмоқда...”, деб ёзганди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг тугалланмай қолган китоби — “Замон тарозуси” асариде тўй билан боғлиқ исрофгарчилик ҳақида ёзиб, охирида шундай дейди: “Мана бу балолар устимизда оғир бир юқдир”.

**Маржона АБДУОЛИМОВА,**

**магистр:**

— Ўзбек халқи жуда бой халқ, бизнинг миллий урф-одатларимизда каби тўй ва тўй олди маросимларимиз кўп. Дуоларимизда: “Тўйларга етказсин...” дейилганидек, топганимиз тўйлардан ортайди. Ҳаётимиз бешик тўйдан бошланиб, аза билан тугайди. Аза ҳам бир тўйдек ўтади. “Бир хил кўк кий ёки қора кий”, “ош дамлаб тарқат”, “латта-путта тарқат”... кимга керак бу одатлар?

Келинг, мен бир воқеани айтиб берай: бир қариндошимиз тўй қилди. Қарангки, она ният қилган экан, тўйни уйда қилиш учун тўйдан олдин уй қайтадан бузиб қурилди. Ва янги келин учун қилинган сарполар тилларда дoston бўлди. Меҳмонларни эса совға-салом ва дастурхондан қўнгли тўлди. Икки ой ўтиб, дангиллама уй ва машина сотилди. Кўв Россияга кетди, қолганлар ижарага чиқди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, келин бу йўқчиликка чида олмади: ўша дангиллама тўй ва у билан боғлиқ машашалар туфайли бир ёш оила бузилди. Аслида, тўйга сабаб икки ёшни бирлаштириш, аммо бу тўйга кетган сарф-ҳаражатлар ва ундан кейинги қарзлар ёшларни айирди.

Ўша катта тўйга кетадиган пулга ёш келин-куёвга янги уй, машина ёки сажат уюштирса, кўпроқ фойдала бўлади, менимча. Афсуски, “кимдан камимиз бор, кетса тўйга кетар”, деб, “ўзи бир марта тўй қиламиз, орзу-ҳавас” каби тушунчалар халқимизни қарз ботқоғига ботириб қўяпти.

**Санато БОБОҚУЛОВА,**

**магистр:**

— Исрофгарчилик маънавий қадриятларимизга терс ҳодиса, аслида. Тўйлар ёшлар тақдирда янгича ҳаёт бошланиши, ота-оналарнинг дуосини олиш, жамиятда оила муқаддаслиги ва унинг қадрини улуғловчи маросимдир.

Аммо дабдаба ортиб бориши билан бу маънавий мазмун йўқолиб бормоқда. Аҳборот технологиялари таъсири ошган бизнинг замонимизда ижтимоий тармоқларда қуюшқондан чиққан тўй видеоларини кўрган одамлар ўз тўйини ҳам айнан шундай ўтказишга ҳаражат қилмоқда. Натижада қовун қовундан ранг олади, деганлардек, дабдабозлик одатий ҳол касб этиб, рақобатга айланиб бормоқда.

Аслида, камтарона ва маданиятга тўй ўтказиш ақл ҳамда масъулият белгисидир.

Камтарона, аммо эсда қоларли тўйлар ўтказиш учун маҳалларда имтиёзли шароитлар яратиш пайти келди. Масалан, тўй ва маросимлар ўтказиш учун кичик бўлар имтиёзи, бепул фотохудудлар, бошқа арзон хизматлар тури яратилса, мақсада мувофиқ бўларди.

**Мафтунна АБДУРАҲМОНОВА,**

**магистр:**

— Фақатгина никоҳ тўйлари эмас, бошқа маросимларга ҳам эътибор қаратсақ, уларда сарф бўлаётган ақлга сизмас маблағлар яққол кўзга ташланади. Юбилейлар, бешик тўй, суннат тўй, мучал тўй, ва ҳоказолар учун ҳаддан ташқари ошиқча маблағ исроф қилинапти. Бу нима деган гап ахир, қачонгача одамларга бу нарсалар нотўғри, буниси тўғри деб қарор ва қонунлар билан чора кўрилади? Инсонларнинг ўтакетган ўзбилармонлиги келажак авлодга, қолаверса, ўзига зиён қилмаётганими? Неча миллионлаб ишлатилаётган пуллари нўз фарзандларининг келажаги, саломатлиги, ўқиш ва билим олиши учун ёки дунё кўришлари учун сарфласа бўлмасмикан? Рўзғориде етишим-чилик, болалари ёки аёли касал бўлса ҳам ён-атрофдагиларни едириб-ичиришга пул толган кимсалар ўз оила аъзоларининг ризиқини қийишганини анлармиканлар?

**Камилла АБДУҲАЛИМОВА,**

**магистр:**

— Бизда ҳаммаси совчиликдан бошланади. Ундан кейин оқ ўрар, фотиха тўй, қақирди, ота кўрди, келин кўрди, куёв кўрди, ўртада байрамликлар... Агар ҳаммасига кетадиган ҳаражатларни ҳисобласак, чиндан ҳам бизнинг халқимиз фақат тўй учун ашайди. Энг ёмони, тўйдан кейинги қарзлар... Ёш келин-куёв қарз тўлаш учун ишлаб бошлашади.

Менга қолса, тўй соддароқ тарзда, кам одам, энг яқинлар билан ўтгани маъқул, тўйдан олдинги ада-қада, олди-бердилар шунчаки бош оғригидан ўзга нарсга эмас.

**Гулназ АБАТОВА,**

**магистр:**

— Ўзбек халқи урф-одатларга, маросимларга бой халқ. Энг катта маросимларидан бири тўй ҳисобланади. Тўйларнинг турлари кўп; бешик тўй, чилла чиқди тўйи, суннат тўйи, қиз кўрди, фотиха тўйи, келин салом, қиз қақариш, келин-куёв тўйи, яна тўйлардан ташқари бир неча маросимлар бор. Суюнчи бериш, бола емизиш, исм қўйиш маросими, никоҳ ўқитиш, келин салом, янги келин ош бериши, мотамга оид маросимлар, жаноза маросими, 3 кунлик, 7 кунлик, 20 кунлик, 40 кунлик, йиллик хотира маросими.

Тўй ва маросимларда бўладиган энг катта муаммолар қуйидагича:

Ортакча дабдаба ва исрофгарчилик: ҳаддан ташқари катта тўйлар (500-1000 киши), қиммат безақлар, ҳашаматли ресторанлар, хизматлар, люкс кортеж машиналар, қиммат фото видеостудиялар қарздор бўлиб тўй қилиш ҳолатларига олиб келади. Одамлар онгиде “бошқалар гап-сўз қилмасин”, деган тушунча қотиб қолган. Бу омилиқдан бошқа нарсга эмас.

**Маҳлиё НУЪМОНОВА,**

**магистр:**

— Жуда кўп давлатларда тўйлар бизнинг юртимиздаги каби ҳаддан зиёд дабдаба билан ўтмайди. Дунёнинг бой, ривожланган мамлакатларида ҳам бизчалик толган-тутганини бир кунда сочиб, кейин турмуш қийинчиликлари олдида гандирақлаб қоладиган халқ бўлмаса керак. Таққослаш жараёнида шуни кўришимиз, биргина Корея давлатидаги тўйларида қисқа вақт, кам меҳмон, иқтисодий тежамкорлик устуворлигини кузатишимиз мумкин. Уларнинг тўйларидаги сарф-ҳаражатлар биздаги дабдабаларнинг ярминиги яригига ҳам тенг келмайди. “Кўрпанга қараб оёқ узат...”, деган камтарлиқни яхши фазилат билган халқимизнинг бундай мақтанчоқлик қутқусига тушиб қолгани ачинарли ҳол, албатта.

Кореядаги ихчам, иқтисодий ва қисқа маросимлардан биз ҳам андоза оласак бўлади, албатта.

Фирқимон халқимизнинг буюк шоири Эркин Воҳидовнинг “Нега япон юз йил яшар?” шеъри билан яқунлашни маъқул топдим:

Нега япон юз йил яшар-у,  
Ўзбек бунча ёшга бормаиди?  
Чунки япон биздек қоронгу  
Саҳар туриб ошга бормаиди.  
Таъзияда эл кўзи учун  
Минг кишилик зиёфат қурмас.  
Хайити йўқ, бел боғлаб уй кун  
Шамдай қотиб қўчада турмас.  
Гарчи биздан юз бор фаровон,  
Гарчи биздан юз қарра тўқдир.  
Тўй харжиде юзта бой япон  
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.  
Бу сўзимни японга айтсам,  
Деди баттар қисиб кўзини:  
— Япон бундоқ аяшолмас ҳеч ҳам,  
Харакири қилар ўзини!

**Моҳигул ҲАСАНОВА,**

**магистр:**

— Бугунги кунда тўй, маърака ва маросимларда меъёр, миллий урф-одат ва динимиз белгилаб берган чегарадан чиқиб, кимўзарга пойга ўйнаётган ҳолатлар содир бўлмоқда. Жумладан, келинларнинг гарб модалари асосида тикилган қимматбахо кийимларни ижарага олишлари, турнақатор тўй кортежларининг йўллардаги ҳаражатлари, келин-куёвларнинг миллийлигимиз ва қадриятларимизга умуман тўғри келмайдиган севги қиссалари-ю вальс тушишлари, тўй ва маъракаларга ҳаддан зиёд қўп инсонлар таклиф этилиши каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси динимиз нукта назаридан ҳам исроф деб аталади. Бу ҳолат фақатгина тўй маросимларидагина эмас, балки мусибат бўлган жойларда ҳам бундан-да аянчироқ исрофгарчиликларга йўл қўйилаётганини кузатишимиз мумкин.

Бу иллатлар жамиятимизни таг-тубидан емирувчи иллатлар бўлиб, бугунги кунда ушбу дабдабозлик, ҳашамат, ичкиликбозлик ва шу каби ишларга кетаётган маблағларни ҳисоблаб қўриданган бўлсак, миллиардлаб маблағ нафақат ҳавога совурилаётгани, балки келажакимизга салбий таъсир қиладиган ишлар учун сарф қилинганлигимиз аён бўлади. Шу маблағлар фарзандларимизнинг илм-маърифат ҳосил қилишлари учун, уларни касб-ҳунари қилиш учун, ишлаб чиқариш ташкил қилиб, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, йўлларни обод қилиш, бева-бечораларга ёрдам бериш каби хайрли ишларга сарф қилинса, савоб устига савоб ёзилган бўлар эди.

Давра сўхбатини  
ўз муҳбиримиз Ёзиб олди.

ХОРИЖ

ЯНГИ ҚОНУН

Владимир Путин Украинада Россия қўшинлари томонидан эгалланган ҳудудларда бўш турган уй-жойларни миллийлаштириш (давлат тасарруфига ўтказиш) ҳақидаги қонунни имзолади. Бу ҳужжатга кура, улар янги маҳаллий ҳокимиятлар қўлига ўтади. Юз миңлаб украин қочқинлари уйлари ва квартираларидан айрилиб қолиши мумкин.



Россия президенти Владимир Путин Украина ҳудудиде Россия қўшинлари томонидан эгалланган ерларда фойдаланилмаётган уй-жойларни миллийлаштиришга имкон берувчи қонунни имзолади. Кремлда 15 декабрь, душанба кўни имзоланган ҳужжатга мувофиқ, эгаллаб олинган ҳудудларда жойлашган “эгазис мулк аломатлари” мавжуд бўлган турар-жой уйлари, квартиралар ва хоналар минтақалар ҳамда муниципалитетлар мулки деб эътироф этилади. Ўтган ҳафта бу қонун РФ Давлат Думаси ва Федерация Кенгаши томонидан маъқулланган эди. Ушунда Украинанинг Дезинформацияга қарши кураш маркази ҳужжатда уй-жойни “эгазис” деб тан олиш учун аниқ мезонлар белгиланмаганини қайд этган.

## ИЛОН МАСК ТРИЛЛИОНЕР БЎЛИШИ КУТИЛМОҚДА

“SpaceX” асосчиси Илон Маск дунёда биринчи бўлиб бойлиги 600 миллиард доллардан ошган инсон сифатида тарихга кирди. Октябрь ойида унинг бойлиги 500 миллиард долларга етган илк одам бўлган эди. Бу ҳақда “Forbes” хабар берди.



Нашрга қўра, Маск дунёдаги илк триллионерга айланиш сари яна улкан қадам ташлади. Декабрь ўрталарида у асос солган “SpaceX” компанияси ўз қийматини 800 миллиард долларга баҳолаган. Бу кўрсаткич аввал 400 миллиард доллар эди.

Мазкур баҳолаш Маскнинг бойлигини, унга “SpaceX” акцияларининг тахминан 42 фоизи тегишли эканини ҳисобга олганда, 168 миллиард долларга ошириб, қарийб 6771 миллиард долларга етказган.

## МЕКСИКАДА САМОЛЁТ ҚУЛАДИ

Мексикада фавқулодда қўнишга уринаётган кичик ҳусусий самолёт кулаши оқибатида камида етти киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда “The Telegraph” хабар берди.



Маълум қилинишича, самолёт Мексиканинг Тинч океани соҳилида жойлашган Акапулқодан парвоз қилган. Мехико шаҳридан тахминан 50 километр гарбда жойлашган санаот ҳудуди — Сан-Матео-Атенкода кулаган.

У футбол майдонига қўнишга ҳаражат қилган, бироқ яқин атрофдаги қорхонанинг металл томига урилиб, йирик ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлган.

Борда саккиз нафар йўловчи ва икки нафар экипаж аъзоси бўлган. Ҳалокатдан бир неча соат ўтиб, ҳозирча етти нафар жасад топилган.

Ёнгин туфайли атрофдаги ҳудуддан 130 га яқин киши эвакуация қилинган. Ҳалокат сабаблари ҳозирда ўрганилмоқда.

## ЕВРОПАДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ ШАХС

# СТРАТЕГИК МАҚСАДИМИЗНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

**1-6.** Рақамлар ва аниқ кўрсаткичлар эса университетнинг стратегик ривожланиш йўналишлари изчил амалга ошаётганини яққол тасдиқламоқда.

Ҳозирги кунда университет таркибида 11 та факультет фаолият юритмоқда. Инглиз филологияси, роман-герман филологияси, Шарқ тиллари, таржима назарияси ва амалиёти, халқаро журналистика ва бошқа факультетлар орқали инглиз, немис, француз, корейс, хитой, япон, испан, араб тиллари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Сўнгги икки йилда янги йўналишлар очилиши таълимни диверсификация қилиб, янада бойитди. 49 та кафедра орқали 29 та бакалаврият йўналиши, 18 та магистратура мутахассислиги ва 10 та ихтисослик бўйича ўқитиш йўлга қўйилган. Ишонманки, бу кенгайиш замонавий дунёда рақобатбардош бўлишнинг асосий калитидир. Хорижий тилларни мукамал эгаллаган ёшларимиз эртага дипломатия, бизнес, туризм, АТ ва халқаро муносабатлар соҳасида мамлакатимизни дунёга танитади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби университетнинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Бугунги кунда 1246 нафар педагог фаолият юритмоқда. Шундан 102 нафари фан доктори (DSc), 311 нафари фалсафа доктори (PhD), 237 нафари катта ўқитувчи, 596 нафари ўқитувчи. Асосий штатда 1055 нафар, ўриндошлик асосида 191 нафар ходим ишлайди. Илмий салоҳиятимиз 35 фоизга етди. Бу ўтган йилга нисбатан беш фоиз ўсишдир. Мен бу рақамларни кўрганимда, ҳар бир ўқитувчининг кечаю кундуз меҳнати, илмий изланишларини ва талабаларимизга бераётган билимларини эслайм. Айна шу салоҳият туфайли университетимиз республикада хорижий тиллар ва филология бўйича етакчи ўринни эгалламоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири халқаро ҳамкорликни



нинг фаол иштирокчисига айлантирди.

Хорижий мутахассислар жалб қилишда ҳам катта муваффақиятларга эришдик. 2025-2026 ўқув йилида 87 нафар хорижий мутахассис жалб қилинди, шундан 24 нафари фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) даражасига эга, 21 нафари хориждан маош оладиган волонтерлар ҳисобланади. Ўтган йили бу кўрсаткич 76 нафар эди. Бу ўсиш талабаларимизга "native speaker"лар билан бевосита мулоқот қилиш, замонавий ўқитиш методикаларини ўрганиш имконини бермоқда. Мен бу мутахассисларнинг дарсларида иштирок этганимда, талабаларимизнинг қизиқиши ва фаолигини кўриб, чин дилдан қувонаман.

Профессор-ўқитувчиларимиз ва ходимларимизнинг хорижда малака ошириши ҳам фаол давом этмоқда. Жами 330 нафар ходим хорижда малака оширди, стажировка ўтади ёки хизмат сафариди

мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшади. Университетимизда тахсил олаётган хорижий фуқаролар сони ҳам ўсиб бормоқда. 2025-2026 ўқув йилида хорижий талабалар сони 446 нафарга етди. Улар учун махсус шароитлар яратилди: 96 та талабалар турар-жойи ўрни ва 46 та хорижий ўқитувчилар учун меҳмонхона хоналари ажратилди. Халқаро лойиҳалар сони ва молиявий ҳажми ҳам сезиларли ўсди. Жорий йилда 18 та халқаро лойиҳа амалга оширилди, умумий бюджети 398 000 АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 17 таси "Erasmus+" дастури доирасида (123 000 доллар), 1 таси "KOICA" лойиҳаси бўйича (2025 йилда 295 000 доллар). Бу лойиҳалар нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки янги таълим дастурлари, илмий тадқиқотлар ва мобиллик имкониятларини таъминламоқда.

Қўшма таълим дастурлари ҳам фаол ривожланмоқда. Беларусь (2+2 бакалаврият, 1+1 магистратура), Россия (Москва давлат лингвистика университети — 3+1 бакалаврият, Адигей давлат университети — 3+1), Хитой (Далян технология университети — 2+2 ва 1+1) билан дастурлар йўлга қўйилди. АҚШнинг Лоуренс технология университети ва Нордик халқаро университети билан ҳамкорликда 50 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Мақтанмишга йўманган-у, лекин халқаро рейтинглардаги ютуқларимиз ҳам эътиборга лойиқ. Университетимиз "QS" рейтингиди "Linguistics" йўналиши бўйича "TOP" 251-ўринни эгаллади. "THE" рейтингиди "Quality Education" бўйича дунёда 30-ўрин, "Gender Equality" бўйича 201-300 ўринлар ва бошқа кўрсаткичларда юқори натижалар қайд этилди. Бу натижалар мени чин дилдан фахрлантиради — университетимиз глобал миқёсда тан олинмоқда ва бу талабаларимизнинг дипломларига қўшимча қиймат бермоқда.

2026 йил учун халқаро ҳамкорлик режаларимиз янада улғувор. 65 нафар "native speaker" жалб қилиш, хорижий талабалар сони 400 нафарга етказиш, 250 нафар талабани хорижга юбориш, янги тест марказлари (хитой тили "HSK", италиян "CELL", япон "ЖЛПТ") очилди, "KOICA" орқали 25 нафар волонтер жалб қилиш, Хитой (Либаодонг), Корея (Кангвон), Малайзия (ИНТИ), Туркия (Селжук) университетлари билан қўшма дастурлар йўлга қўйиш, "Erasmus+" доирасида Испания, Латвия, Польша ОТМлари билан лойиҳалар тайёрлаш ва "THE", "QS", "Green Metrics" рейтингларида натижаларни яхшилашни мақсад қилганми.

Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди 4 та илмий журнал мунтазам фаолият юритади: "Ўзбекистонда хорижий тиллар", "Филология масалалари", "Лингвоспектр", "Компаративистика".

Бу наشرларнинг барчаси ОАК рўйхатига киритилган бўлиб, уларда профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва ёш тадқиқот-

чиларнинг илмий мақолалари чоп этилмоқда. Университет ҳузурида 12 та илмий тадқиқот институти ва бир нечта доимий илмий кенгашлар фаолият юритади. Ушбу тузилмалар илмий фаолиятнинг тизимли ривожланишига замин яратиб, инновацион лойиҳалар ва илмий изланишлар самарадорлигини оширмоқда.

Талабалар контингенти ҳам изчил кенгайиб бормоқда. 2024-2025 ўқув йилида университетда жами 23 329 нафар талаба тахсил олмақда. Уларнинг 16 724 нафари кундузги, 5045 нафари кечки, 446 нафари сиртки, 886 нафари магистр, 228 нафари қўшма таълим дастурлари бўйича ўқимокда. Ушбу сонлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг таълим шакллари диверсификация қилиш, масофавий ва қўшма таълим дастурларини кенг жорий этиш орқали кўпқатли ёшларни қамраб олаётганини кўрсатади. Хусусан, 228 нафар қўшма таълим талабасининг мавжудлиги халқаро ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Иқтидорли талабаларимиз орасида 5 нафар Ўзбекистон Республикаси Президентини гранти совриндори, 2 нафар Президент стипендианти, 1 нафар Ислоҳ Каримов номли стипендия совриндори, 11 нафар Навоий номли давлат стипендианти совриндори, 2 нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, 9 нафар Александр Файнберг номидаги махсус стипендия совриндори, 22 нафар ректор стипендианти соҳиб, 17 нафар халқаро ва республика фан олимпиадаси совриндори, 30 нафар турли нуфузли танлов ва мусобақа ғолиби бор. Докторантларимиз орасида ҳам 1 нафар Зулфия мукофоти совриндори, 1 нафар "ЭВРИКА-2025" танлови ғолиби, 1 нафар "Илм юлдузлари" танловида "Энг инновацион гоя соҳибаси", 2 нафар "Ёш олимлар" танлови ғолиблари бор. 26 нафар ёш олим хорижий стажировкага юборилди. Талабалар сонининг ошиши университетимизнинг талабгорлиги ва инфратузилмасининг кучли эканлигини кўрсатади. Инфратузилма ривожини ҳам сезиларли даражада олдинга силжиди.

Университетимизда 10 та ўқув биноси мавжуд. Улар 5 та ҳудудда жойлашган. Умумий ер майдони 16,2 гектар, ўқув сифими 11 700 нафар талаба. Янги 2700 ўринли ўқув биноси қурилди, 1500 ўринли биноси таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Ангрэн факультетиди 1500 ўринли бино ва 600 ўринли талабалар турар-жойи тўлиқ жиҳозланди. Барча ётоқхоналар жорий таъмирдан чиқарилди, 5- ва 6-ётоқхоналарда ювиниш ва ҳожатхоналар тўлиқ янгиланди. 900 дан орტიқ кузатув камераси ўрнатилиб, ситуацион марказ ишга туширилди. Спорт майдонида 1079 квадрат метр сунъий чим қопламаси янгиланди, соябонлар ва 150 ўриндиқли трибуналар ўрнатилди. 6 та "WORK-OUT" спорт анжумлари тўплами жиҳозланди. Инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаш учун 4874 дона тактель йўлакчалари ўрнатилди. Хорижий ўқитувчилар учун 46 та меҳмонхона хонаси, хорижий талабалар учун 96 та турар-жой ўрни яратилди.

Маънавий-маърифий ишлар йўналишида ҳуқуқбозарликларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирларимиз коррупция, кибержиноятчилик, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик йўналишни қамраб олади. Таҳлил натижаларига кўра, бу ишлар талабалар орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириб, университет муҳитининг барқарор ва хавфсиз бўлишига хизмат қилмоқда.

Ватанпарварлик, ғурур ва ифтихор йўналишида 1758 та тадбир ўтказилиб, 18 000 дан ортки талаба қамраб олинган. Бу жараён тарихий масканларга саёҳатлар, миллий байрамлар, турли танлов ва мусобақалар, "Долзарб 90 кун", "Яшил макон" ташаббуслари ва кенг қамровли лойиҳаларни ўз ичига олади. Таҳлилга кўра, бу йўналишдаги фаолият талабалар онгиди миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғула-

рини мустаҳкамламоқда.

Ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш доирасида 3034 нафар талаба моддий рағбатлантирилган. Бу ёрдам ногиронлиги бўлган, чин етим ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар учун муҳим кўмак бўлиб, таҳлилларга қараганда, университетнинг инклюзив сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳамкорлик ва маънавий интеграция бўйича ўтказилган тадбирлар университетга бириктирилган 8 та маҳалла фуқаролар йиғини, 1 та меҳрибонлик уйи ва 17 та умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

Медиа макон бўйича ижтимоий тармоқлардаги обуначилар сони 40 мингдан ошган. "Instagram" саҳифасининг ноябрь ойидаги кузатувчилари 13 миллионга етган. "University Ranking 2025" рейтингиди онлайн фаоллик бўйича республика биринчилигини қўлга киритган.

Таълим жараёнида янгиликларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. "Офис регистратор" тизими орқали 64 турдаги хизмат йўлга қўйилди: бу талабалар учун жараёнларни соддалаштирди. Профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳоловчи телеграм-бот ишга туширилди. Хорижий тиллар ўқитишда асосий ва иккинчи тиллар сифатида 21 та тил, учинчи тил сифатида португал ва озарбайжон тиллари жорий этилди. Университетга бириктирилган 17 та мактабда филиаллар очилиб, 47 нафар маҳаллий ва 8 нафар хорижий ўқитувчи жалб қилинди. 106 нафар мактаб ўқитувчисига сертификатга тайёрлов курслари ўтказилди. Учтепа ва Чилонзор туманларида 8 та МФЙда 134 нафар кам таъминланган оила фарзандига тил курслари ташкил этилди. 2025-2026 ўқув йилидан "Мактабимиз ифтихори" стипендианти жорий этилди. Мен бу лойиҳаларни шахсий ташаббусим билан қўллаб-қувватладим, чунки таълим тенглиги ва ёшларни қўллаб-қувватлаш жамиятимизнинг асосий тамойилларидан бири.

Битирувчиларимиз бандлиги ҳам қувонарли натижалар бермоқда. 2024-2025 ўқув йилида 6252 нафар талаба тамомлади, шундан 3856 нафари (61,7 фоизи) ишга жойлашди. "Келажаққа қадам" дастури орқали 27 нафар битирувчи 5 миллиард 857 миллион сўм ажратилиб, 95 та янги иш ўрни яратилди. Карьера маркази 28 та иш беришчи ташкилот билан ҳамкорлик қилиб, 360 дан ортки бўш иш ўрнини шакллантирди ва 67 нафар талабани ишга жойлаштирди. Бу натижалар университетимиз битирувчилари меҳнат бозориди юқори талабга эга эканлигини кўрсатади. Академик лицейимизда ўқувчилар 3 та йўналиш бўйича тахсил олмақда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2026 йилдан бошлаб таълим сифатини янада ошириш ва халқаро стандартларга мослашиш мақсадида бир қатор стратегик ташаббусларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Жумладан, Германиянинг "FIBAA" халқаро аккредитация ташкилоти билан 3 та бакалаврият йўналишини аккредитациядан ўтказиш, талабалар учун C1 даражага эришиш имкониятини яратиш, 2+2 ва 3+3 қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, "STEAM" фанларини хорижий тилларда ўқитиш тизимини жорий этиш, сифатли синхрон таржимонлар тайёрлаш мактабини ташкил этиш, ёш болалари талаба-қизлар учун масофавий таълим имкониятларини яратиш ва университет қошидаги академик тузилмаларни такомиллаштириш режалаштирилган.

Ушбу ташаббуслар илм-маърифат масканимизнинг таълим, илмий ва инновацион салоҳиятини янада кенгайтириб, талабаларнинг малака ва кўникмаларини ошириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро таълим майдонидаги нуфузини мустаҳкамлашга имкон беради.

**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори,  
профессор.



ривожлантиришдир. 2024-2025 йилларда бу соҳада эришган ютуқларимиз мени алоҳида фахрлантиради. Чунки глобал интеграция нафақат таълим сифатини оширади, балки талабаларимиз ва профессор-ўқитувчиларимизга дунё тажрибасини ўрганиш, янги имкониятлардан фойдаланиш ва мамлакатимизнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ишонманки, хорижий ҳамкорликсиз замонавий университетни тасаввур қилиш мумкин эмас — бу бизнинг стратегик мақсадларимизнинг асосий устунларидан бири.

2025 йилда университетимиз халқаро фаолиятда сезиларли ютуқларга эришди. Энг муҳими, 36 та давлатдаги 252 та нуфузли олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик шартномалари амалий натижалар бермоқда. Бу рақам ўтган йилларга нисбатан сезиларли ўсишни кўрсатди ва университетимизни глобал таълим тармо-

бўлди. Шундан 250 нафари хорижий грантлар ҳисобидан молиялаштирилди. Малака ошириш ва стажировкага борганлар сони 109 нафарни ташкил этди (ўтган йили 103 нафар эди). Бу тажриба ўқитувчиларимизнинг профессионал даражасини ошириб, таълим жараёнига янги инновацияларни олиб келмоқда. Талабалар мобиллиги соҳасида ҳам рекорд натижалар қайд этилди. Хорижий олий таълим муассасаларига юборилган бакалавр, магистр ва докторантлар сони 373 нафарга етди — бу ўтган йилдаги 148 нафарга нисбатан икки баравардан ортки ўсишдир. "Эл-норт умиди" жамғармаси стипендиатлари орасида университетимиздан 15 нафар битирувчи хорижда тахсил олмақда: 13 нафари Буюк Британияда, 1 нафари Канадада, 1 нафари Шотландияда. Бу ютуқлар мени алоҳида қувонтиради — ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларида билим олмақда ва келажақда



ТААССУРОТ

# МИЛАТНИ УЙФОТГАН ЖАДИДЛАР ҲАҚИДАГИ АСАР



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али Халқаро Амир Турон ҳаёти ва у ҳукмронлик қилган даврга бағишланган тўрт томлик "Улуғ салтанат" роман-эпопеяси ва бошқа кўп тарихий романлари, шеър ва достонлари, драмалари, ўткир публицистик мақолалари, жаҳон адабиётидан қилган таржималари халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинади.

Профессор Мухаммад Али қаламига мансуб Амир Турон ҳаёти ва у ҳукмронлик қилган даврга бағишланган тўрт томлик "Улуғ салтанат" роман-эпопеяси ва бошқа кўп тарихий романлари, шеър ва достонлари, драмалари, ўткир публицистик мақолалари, жаҳон адабиётидан қилган таржималари халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинади.

Шу йил бошида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабнинг Алишер Навоий ҳақидаги "Мангу қуёш" номли янги тарихий романи тақдими бўлиб ўтгани ҳам маданий ҳаётимизда алоҳида ҳодиса дея баҳоланади.

Мухаммад Алининг ижод лабораториясига назар ташлар эканмиз, ёзувчи илк ижодини шеърят билан бошлаганини кўраемиз. Адабнинг тарихга бўлган қизиқиши, муҳаббати ва муносабати ўзгача эканлигини ёзилаётган асар хоҳ у шеърый бўлсин, хоҳ насрий асар бўлсин, унинг мавзу кўлами турлича, аммо уларнинг барчасида ижодий яхлитлик кўзга ташланганидан сезиш мумкин.

Ёш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Ўш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Ўш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Ўш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Ўш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Ўш ижодкорга йигитлик ёшидаёқ омад кулиб боқиб, 1960 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга йўланма берилиши ундаги имкониятлар эшиги очилишига сабаб бўлади.

Бизни муаллифнинг образларга қандай жонли рух бағишлагани, қандай ижодий концепция ташлагани — ҳаётий факт ва воқеа-ҳодисаларни қандай англаб етгани, қай тарзда ҳиссий тизим этгани билан боғлиқ назарий қарашлар идромки ҳамда яққол кўзга ташланиб турган ижодкор таянган эстетик таъомиллар қизиқтиради.

Таҳлиллар киришишдан аввал "Боқий дунё" шеърый романи яратилган даврга бир назар ташлаш фойдадан холи бўлмас.

Утган асрнинг 60-йиллари. Ўзбек адабиётига бир гуруҳ ёрқин иқтидорлардан иборат янги кучли тўлқин кириб келди. Хусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Али, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиёва, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Шер ва бошқа ёшларнинг барларла овозлари эшитила бошлади.

Тарихни англаш, ўрганиш, у билан фахрланиш туйғуси ҳар бир адабиёт вакили томирида тепиб турган қон десак янглишмаймиз. Бу тенденция тенгдошлари ичида, айниқса, Мухаммад Али ижодида ёрқин намоён бўлди.

"Боқий дунё" шеърый романи ёзилганига 46 йил бўлди. Асарда тарихий ҳақиқат, воқелик Мухаммад Алининг реалистик бадиий-ижодий услубини мураккаб тарзда уйғунлаштириши негизда тасвирланган.

Дўстим, сенга айтар гапим бор, Эрмак учун ёзмайман асло. Рўпарамда тўрар барқарор Курашлардан боқий бу дунё. Аср боши соқин, оҳиста Қўрмизланди кураш онлари. Ҳақиқат деб, ёруғ нур истаб Камол топди қаҳрамонларим...

Тарихдан маълумки, ўлкамизда 1916 йилнинг 25 июлида Руссиянинг босқини боис оқ пошшонинг Туркистон аҳолисидан 250 минг кишини фронтга қора ишга олиш ҳақидаги фармони эълон қилиниши, йигитларни аскарликка эмас, қора ишга — мардикорликка олиниш воқеаси миллатга бўлган ишончсизлик, таҳқир, ғурурни топташ ҳурматсизлик

нинг яққол ўзи эди. Устига-устак, буни суиистеъмол қилиш, поразҳўрлик, зўравонлик авж олиб, халқда норозилик пайдо бўлиши оқибатида, юрда қонли тўқнашувлар юз берди.

Шахрихонлик Азимбойнинг фарзанди Қудрат Россияда ўқиб, билим олади, уларнинг хизматкори бўлиш Насриддин эса узоқ Сибир ўрмонларига мардикорликка жўнатилди.

Назар қилгин бир Туркистона: Халқ зибсиз, хат билмас зарра, Тамаддуно илму урфодна Ортада қолур неча минга қарра!

Ёки: Бордир сенга шундай саволим, Ҳавола эт тоза вилдона: Нега анов темирчи Сопи Ялчимаиди ўзи кетмонга? Очил нововой нева уззукун Нон ясаркан, элар экан ун, Чехрасида олов ўйнайди, Аммо, қорни нонга тўймайди?

Насриддин машҳур халқ қаҳрамони Намоз ҳузурига келади. Ундан ҳам кўнгли тўлмайди, таъқиблардан, сарсон-оворагарчиликдан чарчаб, баридан қутулиш йўли фақат "миршаб бўлиш", душман ичида — "таъқибчилар сафиди" бўлишга аҳд қилади.

Асарда Насриддин образига муқобили равишда юрт узра кенг қулоч ёяётган жадидчилик ҳаракатлари ва уларнинг намояндалари ҳаракатлари баътоғил бадиий талқин этилган.

Нечун сенинг бахтинге зиёда, Азимбойнинг зурёди, айт-чи? Нечун менга камлик — омода, Кўкка етмас фарёдим? Айт-чи? Нечун, бундай мири кам дунё? Нечун ахир қотмишдир бошим? Нечун... Жавоб топмадим аммо, Туркистоним, дардим, дарддошим!... Шоп қалбим ўртанар ҳамон, Енмоққа бир баҳя қолмоқда. Она Ватан ҳақида достон Ҳаёлимда пишиб келмоқда! Улкан тоғдай яхлит бир достон,

Нак "Алломиш" тахлит бир достон, На ишқнома, на бир жанғнома, Туглажак "Туркистоннома!"

Ўзини маърифатпарвар бой деб ҳисоблаган, Масков томонларда бойлар хонадонларида меҳмонда бўлганда шоирлар билан суҳбатлар қўрган Азимбой ҳавас қилиб, хизматкори, шоиртабиат Насриддинга "Туркистоннома" ёзишни буюради.

1925 йили Бухорода катта анжуманда Ўзбекистон Республикаси эълон қилинганди залда Утирган Насриддин шуурида ўзининг битмоқчи бўлган, Азимбой оруз қилган ўша достон ёзилганини кўради.

Бу шеърый роман бундан 46 йил бурунмас, мустақиллик йилларида ёзилгандек гўё. Эрк истаган халқ орзу-армонларини, ўзи ва ўзлигини англаб этишини истаган мардикорликка кетган йигитлар тақдири ва жадидлар ҳақида ёза олган 60-70 йиллар ёзувчиларига осон бўлмаган.

Жадидларнинг ёлпасига бошланган озодлик ҳаракати миллатни юксак мақомга кўтариш, давлатни мустақил ва ҳур қўриш, халқни маърифатли қилишга илм орқалигина етadиган йўл эканлигини англайди.

Эл руҳидан, халқ имонидан Учарми ҳеч эркинне тилсоли?! Кўхна замин Шарқ майдониди Эсиб қолди исён шамоли...

Шоир Мухаммад Али "Боқий дунё" асарида тилга олинган ўзбек миллатининг гули ҳисобланган тошкентлик Абдулла Авлоний, Мунавварқорӣ Абдурашидхон, қўқонлик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, андижонлик Абдулҳамид Чўлпон, самарқандлик Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шақурий ва Сиддиқий-Ажийларнинг юрт келажаги учун олиб борган меҳнатларини дадил ёритади:

Илму урфон — кўнгул рўшноси, Зимистонда чакнаган учкун. Гарчи учкун ва лек зибси — Шуъласидан пораланур тун! Равнақ тилаб учкунга охир Келар дёбон ёлқин замонни, Мактаб онди Тошкентда шоир, Тўқувчинини ўгли Авлоний! Абдулла Авлоний ва у каби жадидларнинг мардикорлик мавзусида шеърлар туркуми пайдо бўлди. "Мардикор ашуласи" 1917 йил Орифжонов литогра-

фиясида босилган. Муаллиф шундай ёзади: "...Биринчи тўда мардикорларни жўнатмоқ учун чиқишга ясалган намоишда Тошкентдаги театрга махсус "Турон" тўдаси тарафидан турли латиф қуйларда ўқулган эди. Кўб кишилар илтимос қилуви сабабли жамъ қилиниб, нашр қилинди. Ва бошқа бир неча шоирларнинг ёзган шеърлари ўзларининг рухсатлари ила ушбу адабиётга илова қилинди".

Жон болам, жоним болам, Оллоҳ сани ёринг бусин, Кеча-кундуз, йўлда-чўлда Тангари гамхўринг бусин... Чордевор ичра ётиб, йўлдак сани ёд эитман, Қисмати ҳақ шул экан — ман кимга фарёд эитман!?!

Романда тасвирланган Қудратнинг ўғли Фарҳоднинг севилиши замон қизи Ситоранинг протолиги Абдулла Авлонийнинг жигарбанди Сора экани ҳам характерлидир.

Адиб Мухаммад Алининг маҳорати шундаки, асар қаҳрамонлари Азимбой, унинг ўғли Қудрат ва хизматкори Насриддинларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш барборида халқ вакили сифатида Насриддин образига кўпроқ урғу беради. Не-не қийинчиликлар ўтса-да, юртига омон қайтган Насриддин саргардонликлардан ўзга инсон бўлиб қайти. Унинг хатти-ҳаракатлари, келажак учун тўзаётган режалари Қудрат ва шунга ўшаганларни қўрқитиб юборади.

Мухаммад Алининг "Боқий дунё" шеърый романининг бошқа тарихий асарлардан фарқи шундаки, асар ўзбек халқининг босиб ўтган мураккаб ва қийин ҳаёт йўли ҳақида, мардикорликка олиниш воқеалари ҳамда ҳурлик ва озодлиқни орзу қилган, бу йўлда ортга чекинмаган миллатнинг жадид фарзандлари ҳақидалигидир.

Гулчехра ҚҮЙЛИНБЕВА, Гулистон давлат университетги доценти, филология фанлари доктори (DSc).

НАСР

Қиш қаттиқ келди. Ярим ой олдин уч кун буралаб ёққан қор эрмай ер бағирлаб ётади. Йилт этган нур йўқ. Уйларнинг томи қай йўсинда куралган бўлса, шундайлигича яхлаган. Ногаҳон, Жарбува ариги суви ҳам қалин музлаган. Дарахт шохлари қорга бурканган қўйи қайтиб уйғонмайдигандек тасаввур уйғотади.

Гарчанд от тақаси зарбидан ерни қучоқлаб ётган муз қирс-қирс товуши чикарса-да, Ногаҳон томондан келаётган суворийга ҳеч кимнинг кўзи тушмади.

Чавандоз бува, мен Яккабоднинг Чимқўрғон қишлоғида Очил чавандознинг олдидан келдим, — деди меҳмон киши эшитмас даражада.

Ўтирганларнинг чехраси ёришди. — Э, шундай денг-а, иним. Очилбой бебаҳо чавандоз-да. Э, не элларга бирга бориб, бирга қайтмадик, — Шойим чавандознинг овози товланиб кетди.

## КУТИЛМАГАН МЕҲМОН

Гулжохон МАРДОНОВА ("Кўкка учган тулпорлар" романидан парча)

Энди хибсхонадан қочганича шўродан беркиниб журипти. Шунинг аламига шўролар полвон акамдинг Дустқобил деган ули, келини Ҳанипа янгани кўзголонда қатнашгани учун отлиб ўлдирди.

Уй эгалари қон хиди келган бу гапдан донг қотиб қолдилар. — Қандай кўзголон? Жавоб андак кечикди. Ниҳоят, меҳмон кўзларида қалқиётган ёшни кескинлик билан сидирди.

— Эшитган бўлсаларингиз, эрта кўзда Яккабўр қўрғониди шўро ҳукумати эълон қилинди. Узини камбағалпарвар кўрсатиб, уйдинг тўрига ўтиб оғаннан кейин шўронинг ҳунари чиғаяпти. Бир Яккабўгдамас, ҳамма жойда шуларга қарши кўзголон бўляпти.

— Чавандоз акам яхшимо? — сўрашди Бобомурод чавандоз. — Яхши бўгани курсин, бува. Амиримиз сарбозларининг Тохта Қорачада бўган қизилларминан тўқнашувиди чавандоз акамдинг ули Жаббор кўп мардлик кўрсат-

устига пупиматларни ўрнатиб кутиб турган экан-да. Ўқ ёлғири олдиди баҳарги жала, дўл ҳеч нарса бўмай қолди, чавандоз ака. Лекин жомидан тўйган халқ уч кун кўзголон қилди. Эркак тугул аялар ҳам болаларининг қўлидан ушлаб тикка боривурди.

— Элим-а, элим нобуд бўлди, битта комай қирилди, чавандоз ака. Аммига сорбоз, бекка навкар бўлган баҳодирлар, давраларга пайз қиритган не-не жигитлар, елкаси ерга тегмаган полвонлар, кўпқаридан солимсиз чиқмаган улоқчилар шўро от-пақат туси ўзгариши ҳеч кимнинг хаёлига кемапти.

— Элим-а, элим нобуд бўлди, битта комай қирилди, чавандоз ака. Аммига сорбоз, бекка навкар бўлган баҳодирлар, давраларга пайз қиритган не-не жигитлар, елкаси ерга тегмаган полвонлар, кўпқаридан солимсиз чиқмаган улоқчилар шўро от-пақат туси ўзгариши ҳеч кимнинг хаёлига кемапти.

— Элим-а, элим нобуд бўлди, битта комай қирилди, чавандоз ака. Аммига сорбоз, бекка навкар бўлган баҳодирлар, давраларга пайз қиритган не-не жигитлар, елкаси ерга тегмаган полвонлар, кўпқаридан солимсиз чиқмаган улоқчилар шўро от-пақат туси ўзгариши ҳеч кимнинг хаёлига кемапти.

соқоллар "шўро" буларди тири қўймайди, яшириш керак", деди. Яхшиям меҳрибон Худо гоғларни яратган экан. Ярадорларни гоғлар, қўмир, туз конларига яширдик. Уларди умрганазаси узоқ бўғир зармаслик Муқим табиб зирк, кўқдори ичириб ўзига келтирди.

— Иним, кўзголон шу минан тўхтади? — Ҳозирча тўхтади. Некин элга бир нима деп бўмайди. Бунинг алами минан қандай тири яшаш мумкин, ака? Энг алам қиладигани копир томонда туриб мусурмон мусурмонга ўқ узди.

— Яратган ўз қаҳрига олган бандаларини хато қилувчилар сапига қўшади. Ҳар бир амалнинг у дунёда жавоби бор. Шойим чавандознинг гапидан сўнг хонага тошдай оғир жимлик чўкди.

— Иним? — Энди Мелкимип минан Карлип дегани қишлоқларда биттама-битта тинтув ўтказиб, кўзголончиларди қидириб топиб отиб ташлаяпти. Ярадорларнинг ўзига келгани тоғ қишлоқларида яшайдиган уруғлариникига беркинаяпти, қанчаси Бойсун, Тангиҳарамга ўтиб кетди. Бизди ха-вотирларнингга Очил чавандозди ул-лари Жаббор минан Эшмўмин. Чавандоз ака, олдингизга улоқчининг илтижоси ми-нан келдим, — йигит бир лаҳза тин олди. — Сизлар томонда тинтув йўқ. Нима дей-сиз, баҳоргача ака-ука сиздикида пинҳан яшаб тургача.



Муаллиф ҳақида: Гулжохон МАРДОНОВА — Қашқадарё вилояти, Қамашчи туманидаги Бадашхон қишлоғида таваллуд топган. 1985 йилда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг Журналистика факультетини тамомлаган. Адибанинг ундан ортқ китоблари нашр этилган. Жумладан, "Ори қўшиқ бўлган юрт", "Қуёшим энам" номли киссалари китобхонлар меҳрига сазовор бўлган.

— Ё, жаратганим, охири нима бўлайкан-а? — Қўлимизга тағқмас, қурол олишимиз керак.

Эртаси шом маҳали сомон босилган арава Шойим оқсоқол ташлаб қўйган хари олдиди тўхтади. Атрофни қоронғилик босиб, киши-кишини танимас ҳолга келганда сомонни эҳтиётлик билан ташиб ола бошладилар. Сомон уюми орасидан чиқиб, аравадан сакраб тушган икки қўлга Ҳайдар чавандоз имо-шора билан кўрсатган уй томон иддамлаганини ҳеч ким ил-гамади.

## ЮРГАН – ДАРЁ



Нихоят, меҳнат таътилига чиқдим. Кўпдан буён Камбоджага бориш, қуюқ ўрмон орасида юзлаб йиллар “яшириниб” ётган, XVIII аср охиридаги француз олимлари томонидан қайтадан “кашф” этилган Анкор Бат саройи, ибодатхона, афсонавий иншоотларни бориб кўриш ниятим бор эди. Бу ҳақда яқин ҳамкасбларимга айтганимда, улар ҳамроҳ бўлишларини билдиришди. Шундай қилиб, олти журналист-сайёҳ Камбоджага йўл олдик. Ўзбекистондан тўридан-тўри самолёт учмагани учун йўлимиз Хитой орқали ўтди.

## МЎЪЖИЗАЛАРНИ ИЗЛАБ...

Сиан — Хитойнинг қадимий пойтахти. У бугунгидек улутворликка илк қадами бундан йигирма уч аср илгари қўйган. Унгача Хитой ҳудуди бир неча ўн кичик-кичик бошқарувдаги бирикма-давлатлардан иборат бўлган. Сиан давлати тахтига 13 ёшли Цинь Цинь Шихуонди ўтиргач, Буюк Хитой деворларини бир-бирига боғлайди ва қудратли империяга асос солади. Дастлаб ихтиёрий, сўнг бўйсунмаганларни куч билан салтанатига қўшиб, замонасининг ер юзидagi энг ийрик давлатларидан бирини ташкил қилади.

Инсон табиати қизиқ. Император Цинь қанчалар қудратли бўлмасин, 14 ёшидаёқ вақти келиб ўлимга юзма-юз бўлишни билиб, ўша кун учун мақбара қурдиришим лозим деб ҳисоблайди. Унинг тушунмишича, у дунёда ҳам хос армияси бўлиши ва уни ҳимоя қилиши керак. Шу мақсадда эраמידан аввалги 246 йилда ўзига мухташам мақбара қуришни ҳамда 8100 та тўлақонли армия ҳайкалини ясашишни бошлади.

Тарихчиларнинг ёзишича, бу ишга 700 минг курувчи, ҳайкалтарош, рессом, ишчи-уста ёлланган. Улар 38 йил давомида Цинь армиясидаги мавжуд 8100 та аскар, саркарда, қўмондонларнинг асл қиёфаси акс этган ҳайкаллар тайёрлашди. Император 52 ёшида вафот этган. Шунда уни ўзи қурдирган мақбарага, армия ҳайкалларини унинг атрофида қўйганлар.

Цинь дунёдаги энг шайқатсиз император бўлган дейиш мумкин. У мақбара қурилиши ва ҳайкал ясашга, уларни кўмиш маросимига дахлдор барчани ўлимга ҳукм қилган. Тарихчилар ёзишича, 700 мингдан зиёд одам қатл қилинган. Қотиллар эса ўзларини ўзлари ўлдирганлар. Шундай қилиб, император Цинь мақбараси ва 8100 та ҳайкаллар ҳақида 1974 йилгача ҳеч ким билмаган! 18 ёшли деҳқон Ян Чжифа ўз ерида қудуқ очаёти, тасодифан ер остидаги ҳайкалларга дуч келмаганида,



бу дунё яна неча асрлар давомида, балки, бу мўъжизадан беҳабар ўтарди...

Биз Цинь қалъа-ю саройларни, дунёдаги Хитой тупроғида илк бор қурилган муслмон кўчаси, мухташам масжид ва музейларни бориб кўрдик.

Камбоджа сафари Сиен Реп шаҳридан бошланди. Биринчи кунёқ Анкор саройи ва ибодатхоналари томон йўл олдик. Улар IX – XII асрлар оралиғида қурилган 240 квадрат километр майдонда жойлашган 220 ва иншоотдан иборат эди.

Биз энг улкан ва тарихи афсонавий саройи ва ибодатхоналарда бўлдик. Масалан, Анкор Бат, Байон, Та Пром, Бапхун шулар жумла-

сидан. Улар орасида энг улкани — Анкор Бат саройидир. Уни шоҳ Сурьяварман II XII асрнинг биринчи ярмида қурдирган бўлиб, у 300 йилдан ортқоқ вақт ичида Анкор империяси шохининг қароргоҳи вазифасини бажарган. Саройда 53 та катта-кичик минора бор. Энг баланди 65 метр. У қирол тахти устига қурилган бўлиб, империя қудратини кўрсатган. Саройни ҳайкаллар галереяси дейиш мумкин. Юзлаб метрга чўзилган атроф ва ички тош деворларга ўнг минглаб ҳайкаллар ўйиб ишланган ва уларнинг ҳар бири мукамал санъат асарига тенг.

Тақдирини қарангки, бу тарихий обидалар йиллар силсиласида қуюқ жунгли ўрмонлари орасида унут бўлиб қолиб кетган. Фақат 1861



йил 21 январда француз ботаник олими Анри Муо тасодифан Анкор саройларидан бирини топади. Кейин бундан хабар топган ҳукумат ва дунё олимлари иккинчи, учинчи... икки юз қирқинчи иншоотни аниқлайдилар. Бугунга келиб, Камбоджанинг Анкор Бат мажмуасига ҳар йили 2 миллиондан ортқоқ хорижий сайёҳлар келмоқда.

Газета чоп этилаётган айни кунда биз, фарғоналик журналистлар Вьетнамнинг Фукуок оролидамиз. Ўрмон, океан, кўнгилочар шаҳарчалар куршовида саёҳат қилаямиз. Қаерга бормайлик, аввало газеталари билан танишамиз, телекўрсатувларини таҳлил қиламиз, журналистлари билан учрашиб, мулоқотга киришамиз. Мақсад саёҳат ва тажриба алмашиш. Қайтишимизда бизни Урумчида Шинжон журналистлар ассоциацияси, Хитойнинг “СНС” ахборот агентлигида кутишмоқда. Ижодий учрашув ва келишувлар тузиш режалаштирилган.

Энг муҳими: Сиандаги Терракор армияси, Камбоджанинг Анкор Бат ёдгорликлари ва Фукуок ороли мўъжизалари ҳақида алоҳида-алоҳида таҳлилий мақолалар ёзаямиз, тез орада уларни эълон қилиш ниятидамиз, албатта.

Журналист дунё кешиши керак. Биз шу ақдани амалий дастурларимиздан бири деб қабул қилганмиз, холос.

Мухаммаджон ОБИДОВ,  
Хитой – Камбоджа – Вьетнам.

## ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

СОҒЛОМ МИКРОФЛОРА —  
БУ СОҒЛОМ ҲАЁТ

Инсон саломатлиги кўп омилларга боғлиқ бўлса-да, уларнинг ичида эътибордан четда қолиб кетадиган жуда муҳими — ичак микрофлорасидир. Кўзга кўринмас бўлса-да, миллионлаб фойдали бактериялар бизнинг ҳар бир кунимиз, ҳар бир овқат ҳазм қилиш жараёни ва ҳатто иммунитетимиз ортида турибди.

Микрофлора “К” ва “В” гуруҳи витаминларини ишлаб чиқаради, зарарли бактериялардан ҳимоя қилади. Шунингдек, мувозанати сақланганида организм барқарор ишлайди, энергия етарли бўлади ва саломатлик мустаҳкам туради. Аммо микрофлоранинг бузилиши, яъни дисбактериоз кўпинча оддий ноқулайлик сифатида қабул қилинса-да, аслида, ҳазм тизими ва бутун организм фаолиятида жиддий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Тадқиқотларга кўра, дисбактериоз катталарнинг тахминан 90 фоизиди, болаларнинг эса 95 фоизиди учраб туради.

Бу касалликка, асосан, тўғри овқатланмаслик, стресс, дори воситалари ва турли инфекциялар каби омиллар таъсир қилади. Мавзунинг долзарблиги шундаки, кўпчилик бу ҳолатни етарлича баҳоламайди, унинг алкоголь, аллергия, чарчоқ ва ҳатто терининг ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкинлигини билмавермайди.

Қуйида дисбактериоз нима экани, унинг сабаблари, белгилари ва олдини олиш йўллари ҳақида батафсил тўхталамиз.

Соғлом микрофлора — бу соғлом ҳаётнинг асоси.

Дисбактериознинг аломатлари турлича: қоринда оғриқ ва ноқулайлик, ортқоқ газ тўпланиши, ич қотиши ёки кетиши, уйқусизлик, чарчоқ, аллергия тошмалар, терининг қуруқлашиши ва иммунитет пасайиши шулар жумласидандир. Бу белгилар бошқа ҳазм тизими касалликларига ўхшаш бўлиши мумкин, шунинг учун ўзбошимчалик билан ташхис қўйиш тўғри эмас.

Дисбактериоз турли омиллар таъсирида ривожланиши мумкин. Энг кўп учрайдиган сабаблар: Антибиотиклар инфекцияларга қарши кура-

шади, лекин фойдали бактерияларни ҳам йўқ қилиб юбориши мумкин.

Нотўғри овқатланиш, яъни шакарга бой, қайта ишланган маҳсулотлар ва толага кам бўлган егуликлар микрофлорага салбий таъсир кўрсатади.

Узоқ стрессли ҳолатлар ҳам ичак моторикаси ва микрофлора мувозанатига зарар етказиши.

Айрим ичак инфекциялари фойдали бактерияларни йўқ қилиб, уларнинг ўрнига зарарли штаммларнинг кўпайишига олиб келади.

Дори воситалари, яъни лаксативлар, гормонал препаратлар ва баъзи химик моддалар микрофлорага таъсир қилиши мумкин.

Сурункали касалликлар: қандли диабет, иммун тизими касалликлари ва бошқа узоқ давом етувчи патологиялар дисбактериоз ривожланишига йўл очади.

Шунингдек, ҳар биримиз дисбактериоз аломатларини билишимиз керак. Чунки улар, одатда, айрим одамларда чарчоқ, бош оғриғи, уйқусизлик, аллергия тошмалар, тери қичишиши, қуруқлиги, қориндаги оғриқлар каби белгилар билан номоён бўлиши мумкин.

Кези келганда шуни айтиш мумкинки, бу касаллик учун беморнинг шикоятлари ва клиник белгилар, лаборатория таҳлиллари (ичак микрофлорасини текшириш), қўшимча текширувлар, биокимёвий таҳлилларга асосланиб ташхис қўйилади.

Терапевт ёки гастроэнтеролог аниқ ташхис қўйиб, тегишли даволаш режасини белгилайди. Бу касалликда тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун консерваланган, қовурилган ва ўта ёғли овқатлардан воз кечиш, спиртли ичимликларни ичмаслик тавсия қилинади. Стрессни камайтириш, етарли уйку ва жисмоний фаолликни ошириш асосий талаблардан ҳисобланади.

Агар юқоридаги аломатлар қузатилса, албатта, мутахассис — терапевт ёки гастроэнтерологга мурожаат қилиш зарур бўлади.

Севара АЗИМОВА,  
тиббиёт фанлари доктори,  
олий тонфали гастроэнтеролог.  
Раъно ТАДЖИБАЕВА,  
тиббиёт фанлари номзоди.

## ТУҲФА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Жаҳонгир Пирмухаммедовнинг “Адабиёт” нашриётида чоп этилган “Кўнглим мулки” китоби ўзига хос тўплам бўлди. Бу кўнглим мулки битилган сарчасмаларни ажиб ўй-хаёллар билан кўлга олдим. Китобдаги қисқа кириш сузи муаллифнинг кимлигини аниқлаб қўйди. Техника соҳаси мутахассиси Жаҳонгир Пирмухаммедов “Ўқитувчи” нашриётида “Техника адабиёти” таҳририяти мудири лавозимида ишлаётганини ҳам билардим. Айни вақтда журналистика соҳасида ҳам ижод қилади. Кейинчалик билсам, у киши ҳеч ким шугулланмаган, ҳатто эшитмаган бир қизиқарли иш (хобби) билан ҳам банд экан.

## Кўнглим мулки

Ижодкор дўстимиз қарийб 30-40 йил мобайнида газета ва журналларда юракни жизиллатадиган мақолали, шеърли учраса, уларни қайчи билан қирқиб олиб, ўз альбом варақларига елимлаб чиқарган.

Кунларнинг бирида Жаҳонгир ака альбомларини варақларга ўтирганида, уйига ижодкор дўсти Зоир Зиё (рахматли) меҳмон бўлиб келибди. У альбомларга кўзи тушгач:

— Мен ҳам кўрсам бўладими? — деб руҳсат сўради. Меҳмон ярим соатлар ҳамаси “бисот” билан танишиб чиққач:

— Бу дурдоналарни ёлғиз ўзингиз ўқиб ўтирибсизми? Буларни китоб қилиб чиқарса,

барча маза қилиб ўқийди-ку, — дебди. Ҳеч қутилмаган, ҳатто хаёлга ҳам келмаган бу ажиб тақлиф Жаҳонгир акани руҳлантирди ва: “Бу ҳақда ўйлаб қўриш керак экан”, деди.

Мазкур сўхбатдан кейин у альбомдаги материалларни бир чеккадан тартиб билан бўлимларга ажратиб чиқиб, компьютерда тердирди.

Нихоят, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига топширилган кўнглим “Кўнглим мулки” номи билан китоб бўлиб чиқди!

Китобда халқимиз қаҳрамони Жалолитдин Мангубердининг Чингизхон бошлиқ мулғул истилочиларига қарши олиб борган жасоратли курашлари,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг буюк Соҳибқирон тилидан ёзган “Исми Темурибқидир, Темурибқидир, Темурибқидир...” монолоғи, Ҳазрат Навоийнинг ижодий фазилатлари, Бобурнинг ҳаёти, фарзандлари тарбияси, Шоҳ Машрабнинг ўлими олдида зиндонда ёзган шеъри, Муқимий портретининг яратилиши, “Девону луғатит-турк” қачон, қаерда, қандай топилгани, Саҳрои Кабирнинг гўшт емайдиган қабиласи-ю, археологлар қазиб топган 5 метрлик одам скелети, “Бошсизлар водийси”, “Дунёдаги ғайриоддий эгизаклар”,

“Ёвуз Гитлернинг ўлими олдида айтган сўнги сўзлари” ва шу каби бошқа қизиқ-қизиқ воқеалар ёритилган манбалар диққатга сазовордир.

Шунингдек, тўпламда рус ёзувчиси Лев Толстойнинг эътиқоди ҳақидаги ва озарбайжон шоири Воқиф Самад ўғлининг “Биласизми, айтадиган қанча сўзим бор?” мақолалари ҳар қайси ўқувчини безътибор қолдирмайди.

Муҳими, мазкур тўплам ёшу қари — барчанинг диққатини тортишига ва китобхонларга ажиб тўхта бўлишига шубҳа йўқ.

Қудрат хожи АХМЕРОВ,  
кимё фанлари доктори,  
профессор.

## РАССОМ ХАНДАСИ



— Тўхтанг,  
нега кесиб  
ташляяспиз?..

— Арчаларни кесиб шу жойдан  
дўкон қурмоқчиман...

Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat  
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир  
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий  
эътиборимизда.  
Мақола ва хабарларда келтирилган  
маълумотлар учун  
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91  
Тел-факс: (71) 244-32-80  
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маърузимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:

Ўзбекистон  
Журналистлар  
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан  
руйхатга олинган.

Адади: 4 123

Буюртма — Г-1244

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Баҳоиси келишилган нархда

Топширилиш вақти — 21<sup>00</sup>

Топширилди — 23<sup>30</sup>

ISSN 2183-0160



Обуна индекси:  
якка  
обуначилар ва  
ташқилотлар  
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди  
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зуҳро Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.